

2023 ЙИЛ — «ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ»

Маҳалла

МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

ШАНБА, 24 ДЕКАБРЬ 2022 ЙИЛ | №51 (2085)

www.xolisnazar.uz



@xolis_nazar



@xolisnazar



2-саҳифада.

МУАММОЛАР ЎЗARO ҲАМЖИҲАТЛИКДА БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

ЖАРАЁНДА УЙСИЗ ФУҚАРОЛАР ВА ХОНАДОНЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШГА ИМКОНИ ЕТМАЁТГАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗГА АМАЛИЙ ЁРДАМ
БЕРИЛДИ. БИР ҚАТОР МАҲАЛЛАЛАРДА ЙЎЛ, ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ ВА БОШҚА КОММУНАЛ СОҲАЛАРДА АМАЛИЙ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ

ЭҲТИРОМ

**«БУГУНГИ ЭЪТИБОР ҲАР БИР
НУРОНИЙГА КУЧ-ҒАЙРАТ
БАҒИШЛАЙДИ»**



АВЛОДЛАР ОРАСИДАГИ ОЛТИН ЗАНЖИР — ВАТАН РАВНАҚИ
ВА ХАЛҚ МАНФААТИ Йўлидаги БИРЛИК, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР
САРИ ҲАМКОРЛИК ВА ЖИПСЛИКДАГИ ҲАРАКАТ «УЧ АВЛОД
УЧРАШУВИ»ДА БАРЧАНИ БИРЛАШТИРДИ

5

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

**ЯНГИ ЙИЛ ПЕНСИОНЕРЛАРГА
ҚАНДАЙ ҲАДЯЛАРНИ
ТАҚДИМ ЭТАДИ?**



«ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ Тўғрисида»ГИ
ҚОНУНГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ 2023 ЙИЛ
1 ЯНВАРЬ САНАСИДАН КУЧГА КИРАДИ. ЯНГИ ЙИЛ БОШЛАНИШИГА
ҚИСКА ФУРСАТ ҚОЛГАНИНИ ҲИСОБГА ОЛСАК, БУ ЎЗГАРТИРИШЛАРДАН
ҲАБАРДОР БЎЛИШ ЗАРАР ҚИЛМАЙДИ, АЛБАТТА.

10

КЎЗГУ

**«ҲАМКОРЛИК ВА
БИРДАМЛИК ФАОЛИЯТИМИЗ
МЕЗОНИГА АЙЛАНГАН»**



БИЗДА «БУ СЕНИНГ ИШИНГ ЭКАН» ЁКИ «МЕНИ ИШИМ
БОШҚА» ҚАБИЛИДА ИШ ЮРИТИЛМАЙДИ. ҲАММАМИЗ БИР
МАҚСАД Йўлида ИШИМИЗНИ ҲАЛОЛЛИК БИЛАН ВИЖДОНАН
БАЖАРАМИЗ, ЮТУҒИМИЗ — БИРДАМЛИГИМИЗДА

13

МУНОСАБАТ

2023 ЙИЛ — «ИНСОНГА ЭЪТИБОР

«ҲАР БИР МАҲАЛЛА
ИНФРАТУЗИЛМАСИ
ЎЗГАРАДИ»

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК ВА
ЕР СОЛИҚЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛ БЎЙИЧА
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧИ 192,5 МИЛЛИАРД СЎМНИ
ТАШКИЛ ЭТАДИ. БУ РАҚАМЛАРНИ ВИЛОЯТИМИЗДА
МАВЖУД 723 ТА МАҲАЛЛА КЕСИМИДА
ТАҚСИМЛАЙДИГАН БЎЛСАК, ЎРТАЧА 1 ТА МАҲАЛЛАГА
266 МИЛЛИОН СЎМДАН ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида 2022 йил давомида юртимиз ривожига йўлида олиб борилган ижобий ишлар ва 2023 йилда олдимизга қўйилган муҳим вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.



Хусусан, халқимиз таълим ва тиббиёт сифати оширилиши, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммолари ҳал қилиниши, иш ўринлари кўпайиши, тадбиркорликка янги имкониятлар яратилиши, адолат таъминланиши, овозгарчилик, бюрократия ва коррупция барҳам топилиши кутаётгани қайд этилди. Давлатимиз раҳбари аҳоли кўтарган масалалар аниқ ва ўринли экани, қанчалик қийин бўлмасин, биз бу муаммоларни ечишимиз шартлиги, ҳеч ким четдан келиб буларни ҳал қилиб бермаслиги, одамларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитларни яратиб бериш асосий вазифамиз бўлиши кераклигини таъкидлади.

Айтиш керакки, маҳалла тизимига берилаётган катта эътибор натижасида барча ташкилотлар ва идоралар «маҳаллабай» ишлаш тизимига ўтди. Давлат инвестициялари маҳалла даражасига туширилиши тизим фаолияти учун катта янгиллик бўлди, десам адашмаган бўламан. Келгуси йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун жорий йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилиши аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасида катта қадамдир.

Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилади. Бунинг учун янги 2023 йилдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолиши маҳаллалар томонидан аҳолининг мурожаатларини камайтириш ва маълум бир қисмини ечишда енгиллик бўлиши

турган гап.

Бу бўйича ўз фикрларимни билдириб ўтсам.

Вилоятимизда жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқларининг 2022 йил бўйича прогноз кўрсаткичи 192,5 миллиард сўмни ташкил этади. Бу рақамларни вилоятимизда мавжуд 723 та маҳалла кесимида тақсимлайдиган бўлсак, ўртача 1 та маҳаллага 266 миллион сўмдан тўғри келмоқда. Агар 1 та маҳалла ўзига ажратиладиган бу пулни аҳолининг турмуш даражасини ривожлантириш ва маҳалла инфратузилмасини яхшилашга сарфлайдиган бўлса, яқин йилларда ҳар бир маҳалланинг инфратузилмаси ва аҳоли турмуш даражаси сезиларли даражада ўзгаради, деб бемалол айтиш мумкин.

Бундан ташқари, халқимиз соғлигини сақлаш учун барча тиббий хизматларнинг энг чекка туман ва маҳаллалар даражасигача туширилиши бугунги кунда тиббий хизматдан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келаётган тоғли ва чўл ҳудудлардаги аҳолига анча енгиллик бўлади.

Умуман олганда, Президентимиз таъкидлаганидек, маҳалла, бу — тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия кўрғонидир. Шундай экан, келажак авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш, уларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади ва барчамиз бунга масъул эканимизни унутмаслигимиз шарт ва зарур.

**Фаррух ТАИРОВ,
Сурхондарё вилояти Маҳалла ва
нуронийларни қўллаб-қувватлаш
бошқармаси бошлиғи.**

«МАҲАЛЛАБАЙ»
ИШЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШАДИ

**ЙИЛ ДАСТУРИГА МУВОФИҚ, 200 ТАГА ЯҚИН ЯНГИ
МАҲАЛЛА БИНОЛАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.
МАҲАЛЛА ЎҚУВ МАРКАЗИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ
ЗАМОНАВИЙ 2 ҚАВАТЛИ БИНОДА БОШЛАДИ. 20 ТА
МАҲАЛЛА БИНОСИ «ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ» ОЧИҚ
ПОРТАЛИ ДОИРАСИДА 2-МАВСУМДА ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛИБ,
ЛОЙИҲА СМЕТА ИШЛАРИ ЯКУНЛАНДИ, ПУДРАТЧИ
ТАШКИЛОТНИ АНИҚЛАШ УЧУН ЭЪЛОН БЕРИЛДИ**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида инсонга эътибор ва сифатли таълим борасида амалга ошириладиган мақсадлар баён этилди. Жумладан, Мурожаатномада «Тараққиёт стратегияси»даги етти та йўналишлар бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили ҳамда келгусида амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Режалаштирилган мақсадларга инсонга эътибор ва таълим сифатини яхшилаш билан эришиши мумкинлиги ва бу борада маҳалланинг роли муҳимлиги таъкидланди. Президентимиз томонидан «фуқаробай», «хонадонбай», «маҳаллабай» ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича масъул раҳбарларга вазифалар белгилаб берилиб, бу борада маҳалланинг мавқеини ошириш мақсадида «Маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия кўрғонидир» деб эътироф этилди.

Бу борада «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да биргина Самарқанд вилояти маҳаллаларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1 126 та маҳалланинг барчаси интернет тармоғига уланди. Йил дастурига мувофиқ, 200 тага яқин янги маҳалла бинолари фойдаланишга топширилди. Маҳалла ўқув маркази ўз фаолиятини янги замонавий 2 қаватли бинода бошлади. 20 та маҳалла биноси «Ташаббусли бюджет» очик портали доирасида 2-мавсумда ғолиб деб топилиб, лойиҳа смета ишлари якунланди, пудратчи ташкилотни аниқлаш учун эълон берилди. 473 та маҳалла биноларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. 234 та маҳалла компьютер техникаси ва 159 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бундан ташқари, режа-жадвалга мувофиқ, вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси

биноси ва 150 та маҳалла биноларига умумий қуввати 55,5 кВт. кичик қуёш фотоэлектрстанциялар ўрнатилди.

Мурожаатномада катта ҳаётий тажрибага эга, турмуш синовларида тобланган, кўпни кўрган ёши улуг инсонларнинг пурмаъно ўғитлари, панду насиҳатлари ёш авлод тарбиясида беқиёс аҳамиятга эга экани, нуронийларни жамият ҳаётига фаол жалб қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ажралиш ёқасида турган ёш оилалар ўртасида барқарор муҳитни вужудга келтириш борасидаги ролини ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Халқро тажриба асосида маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилиши, бунинг учун 1 январдан бошлаб, мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолиши ҳамда шу маблағлар ҳисобидан маҳалланинг муаммоларини бартараф этиш чоралари белгилаб берилди.

Биз учун Мурожаатнома келгуси йилги фаолиятимизнинг асосий дастуриламали бўлди. Президентимиз белгилаб берган йўналишлар асосида фаолиятимизни самарали йўлга қўямиз.

**Исроил ЖАББОРОВ,
Самарқанд вилояти Маҳалла ва
нуронийларни қўллаб-қувватлаш
бошқармаси бошлиғи.**

ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ»

МУНОСАБАТ

МАҲАЛЛАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЖИДДИЙ ВА ЖАДАЛ ТУС ОЛАДИ

МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИ МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДА ҚОЛИШИ, БУ — МАҲАЛЛАДАГИ МАБЛАҒ ТАЛАБ ЭТАДИГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ИМКНИ МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИГА БЕРИЛИШИ ДЕМАКДИР

Маҳалла институтининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиёс. Инсон туғилиб, тарбия топадиган, жамият аъзоси сифатида шаклланадиган, қувончу ташвишлари кечадиган маскан — маҳалладир. Шу боис мамлакатимизда маҳалла институтини такомиллаштиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида бу борада муҳим фикрлар билдирилди. Мурожаатномада Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йилда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилиши зарурлигини белгилаб берди. Таъкидланганидек, **барча ислохотларимиз замини ва кўзгуси, бу — маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўзифодаси ва амалий ечимини топади. Маҳалла — тинчлик ва оқилоллик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонидир.** Шунинг учун бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади.

Гувоҳи бўлиб турибмизки, сўнгги йилларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш юзасидан бир неча ўн йилларга татигулик натижаларга эришилди. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш-

нинг янги тизими яратилди. Секторлар фаолияти йўлга қўйилгани, юқори органлар раҳбарларининг қўйишга тушиб, одамлар дарду ташвишига шерик бўлаётгани маҳалла нуфузини оширибгина қолмай, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини кучайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада келгуси йилда аҳоли тақлиф берган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм маблағ йўналтирилишини таъкидлаб ўтди. Демак, «маҳаллабай», «хонадонбай» ўрганишлар натижасида аҳоли томонидан билдирилган энг кўп тақлифлар — йўл, коммунал хизмат, уй-жой ва бошқа масалаларнинг ижобий ечими янада жадал тус олади.

Мурожаатномада тилга олинган қўйидаги фикрлар ҳам аҳоли манфаатларига хизмат қилади: «Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун «Маҳалла бюджети» тизи-



Аҳмаджон АЪЛОҲҲАЕВ, Наманган вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

ми жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади. Шу билан бирга, Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш лозим, деб ҳисоблайман. Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказамиз. Бу борада икки йил олдин бошланган имтиёзли

шартлар асосида ипотека кредитлари бериш давом эттирилади».

Бу эзгу режа-мақсадлар жуда катта аҳамиятга эга. Чунки мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолиши, бу — маҳалладаги маблағ талаб этадиган муаммоларни ҳал этиш имкони маҳалланинг ўзига берилиши демакдир. Бундан кейин аҳолини ойлаб-йиллаб қийнаб келаётган муаммолар янада қисқа

фурсатларда ҳал этилади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси ўзида ниҳоятда муҳим ва инсонпарварлик ғояларини, халқимиз орзу-истакларини, муштарак мақсадларини ифода этади. Энди барчамиз масъулиятни янада чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият юритишимиз лозим. Ишонч билан айтишимиз мумкинки, халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлади.

«МАҲАЛЛА ЭНДИ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛ БЎЛАДИ»

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИНИ ТИЛГА ОЛЯПТИМИ, ДЕМАК, БИЗГА ИШОНЯПТИ, БИЗГА ИШОНЧ БИЛДИРЯПТИМИ, ЭНДИ БИЗДАН ФАҚАТ ВА ФАҚАТ МЕҲНАТ, ШИЖОАТ ҲАМДА ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасини барчамиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб бордик. Таъбир жоиз бўлса, бу Мурожаатнома биз учун янги марраларни, янги-янги ғоя ва имкониятларни очиб беряпти, десам муболаға бўлмайди.



Хусусан, бу галги Мурожаатномада олға сурилган мақсад ва вазифалардан англадимки, олдимизга қўйилган вазифалар ҳали кўп. Унда акс этган йўналишлар, узоқни кўзлаб қўйилган мақсадлар, албатта, бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

2023 йил юртимизда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб ном берилиши катта маънога эга. Яъни Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланди. Мурожаатномада

таъкидланганидек, аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу — бунёдкор халқимиз, дуоғўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиздир.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатнома аввалида мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги даврига дадил қадам қўяётгани, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, якунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди. Шукрки, мана шундай синовлардан халқимиз талофатсиз чиқа олди. Ҳатто кўплаб ютуқларимиз Мурожаатномада алоҳида эътироф этилди.

Президентимиз, ўз навбатида, мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши кераклигига алоҳида урғу берди. Жумладан, «Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат» деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз кераклиги айтилди. Чунки ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтиш учун миллий

давлатчилигимиз асослари мустаҳкамланиши зарур.

Айниқса, маҳаллалар фаолиятига тўхталиб, барча ислохотларимиз замини ва кўзгуси, бу — маҳалла эканини таъкидлагани бежиз эмас. Бу ишонч бизга янада масъулият юклади. Бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилиши ҳақидаги хабар тизим ходимлари учун қувончли янгилик бўлди.

2023 йилда аҳоли томонидан тақлиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилиши маҳалла нуфузини янада ошишига хизмат қилиши табиий.

Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилиши, бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолиши шабҳасиз, молиявий мустақилликни таъминлайди. Аввал бизга топшириқ бериларди, аммо уни молиявий манбааси йўқ бўларди. Маҳалла аҳлини қўя туринг, аслида ўзимизни моддий таъминлашга қийналардик. Энди ана шу му-

аммо бартараф этилди.

Чиндан ҳам, неча йиллардан буён эътибордан четда қолган маҳалла тизими Янги Ўзбекистонда яна қайта эътиборга тушди. Маҳалла бинолари қайтадан қад ростлади. Маҳалла раисларини обрўи оширилди, маошлари сезиларли даражада кўтарилди. Канцелярия маҳсулотлари, жиҳозлар билан таъминланди. Кўшимча штатлар ташкил этилди. Қувонарлиси, энг юқори вазирликлар ҳам қўйи поғонага, яъни маҳаллага тушиб ишлаш тизими ишга тушди.

Мурожаатномада белгиланган ҳар бир вазифа бизни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди. Унда маҳалла раислари кўп бора тилга олингани, албатта, бизга ишонч ва ифтихор бағишлайди. Президент маҳалла раисларини тилга оляптими, демак, бизга ишоняпти, бизга ишонч билдирыптими, энди биздан фақат ва фақат меҳнат, шижоат ҳамда ишонччи оқлаш талаб этилади.

Улуғбек ЭРҒАШЕВ, Фурқат туманидаги «Ингичка» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

ЖАРАЁН

Косонсойдаги 59 та маҳалладаги қарийб 38 минг 200 та хонадон ва мингдан зиёд ижтимоий соҳа объектлари ўрганилиб, уларда аниқланган 6 минг 180 дан зиёд масаланинг 4,5 мингдан ортиғи ҳал қилинди. Бунинг учун 11 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

МУАММОЛАР ЎЗARO ҲАМЖИҲАТЛИКДА
БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

ЖАРАЁНДА УЙСИЗ ФУҚАРОЛАР ВА ХОНАДОНЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШГА ИМКONI ЕТМАЁТГАН БИР ГУРУХ ЮРТДОШЛАРИМИЗГА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИЛДИ. БИР ҚАТОР МАҲАЛЛАЛАРДА ЙЎЛ, ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ ВА БОШҚА КОММУНАЛ СОҲАЛАРДА АМАЛИЙ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари топириғига асосан тузилган 24 та вазирлик ва идора раҳбарларидан иборат Республика Ишчи гуруҳи ўз фаолиятини Наманган вилояти Косонсой тумани ҳамда Навоий вилояти Хатирчи туманида давом эттирди.



Гуруҳ аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш учун секторлар ва маҳаллалар кесимида «хонадонбай» иш ташкил этди. Эътиборлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир бўлган ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига амалий кўмак кўрсатишга қаратилди. Жумладан, тумандаги уйсиз фуқаролар ва хонадонларини таъмирлашга имкони етмаётган бир гуруҳ юртдошларимизга амалий ёрдам берилди. Бир қатор маҳаллаларда йўл, тоза ичимлик сув ва бошқа коммунал соҳаларда амалий ишлар бажарилди.

Хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида туманда мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 51 та лойиҳага 1,2 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди, 50 нафар фуқарога 178 млн. сўм субсидия маблағлари асоси-

да асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари олиб берилди. Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида 7 нафар ёшга 21 млн. сўм беғараз ёрдам кўрсатилди. Жумладан, «Янги йўл» маҳалласида яшовчи Ҳ.Тожи-хоновга тадбиркорлик билан шугулланиши учун пайвандлаш ускунаси топширилди.

Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган 3 нафар хотин-қизга 5 миллион сўмдан зиёд ёрдам кўрсатилди. Жумладан, «Жомий» маҳалласида яшовчи М.Абдуҳамидова, «Чорбоғ» маҳалласида яшовчи М.Ашурова ҳамда «Боғи баланд» маҳалласида яшовчи Н.Ҳайитоваларга ҳоимийлик асосида керакли ёрдамлар кўрсатилди. Шу билан бирга, 395 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаллик аниқланган 25 нафар бемор туман, вилоят шифохоналарига ётқизилиб, 4 нафари республика шифохоналарига даволаниш учун навбатга қўйилди. 30 нафар ногиронлиги бўлган шахсга реабилитация воситалари, электрон ва оддий ногиронлик аравачалари бепул етказиб берилди.

Халқ таълими вазирлиги

ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги Маҳдуми Аъзам номли маҳалладаги спорт мактабида «Бокс» ва «Таэквандо» билан шугулланувчи ёшларга спорт жиҳозлари тақдим этди.

Умуман олганда, Косонсойдаги 59 та маҳалладаги қарийб 38 минг 200 та хонадон ва мингдан зиёд ижтимоий соҳа объектлари ўрганилиб, уларда аниқланган 6 минг 180 дан зиёд масаланинг 4,5 мингдан ортиғи ҳал қилинди. Бунинг учун 11 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Қолган масалалар бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Хатирчи туманининг 1-секторида ҳам 41 та кичик ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, уйма-уй юриш орқали 9 342 та хонадон тўлиқ ўрганилди. Ўрганиш жараёнида 2 202 та хонадонда 2 398 та муаммо аниқланди, шундан 609 таси, яъни 28,4 фоизи ижобий ҳал этилди.

Уйма-уй юриш жараёнида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ва ёлғиз яшайдиган 11 нафар нуронийни Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги санаторийларга

соғломлаштиришга бепул юборилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган оилалар ва меҳнат fronti қатнашчиларининг 20 нафари 500 мингдан, 20 нафар нуронийга 1 млн. сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатаётган 5 нафар кекса авлод вакилини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга жами 41,5 млн. сўм маблағ ажратилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар юзасидан амалий ишлар натижасида «Зарафшон» маҳалласидаги йўл ёқасида жойлашган 3,5 км. ички коллекторлар ва «Тамабахрин» маҳалласига қадар бўлган 4 км. ариқ тозаланди, 7 мингдан ортиқ дарахтлар оқланди, 93 та кам таъминланган оила хонадон деворлари оқлаб берилди. Худуддаги маҳаллаларда «Яшил макон» умуммиллий ҳаракати доирасида 140 туп кўчат экилди.

«Кўксарой» ҳамда «Хўжақулбод» маҳалласи фуқароларига 203 дона суюлтирилган газ баллонлари тарқатилди. «Кўксарой» маҳалласининг 500 метр ички йўллари шағаллаштирилди.

«Пахтакор» ва «Авақли» маҳалласида 220 нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. «Кўксарой» ва «Наврўз» маҳаллаларида яроқсиз ҳолга келиб қолган 33 дона сим ёғочлар бетон устунларга алмаштирилди.

Шунингдек, «Тамабахрин» маҳалласи ҳудудида жойлашган 22-мактаб ётоқхонаси электр энергияси билан таъминланди. «Кўксарой», «Икром Карвон», «Пахтакор» маҳаллаларида истиқомат қилувчи Феруза Муқимова, Ёвсарар Тоғаева, Нормамат Уролов, Мавлуда Бойназарова ва Мурод Ражабовларга ногиронлик арвачаси берилди. 33 нафар ишсиз хотин-қизлар ва ногирони бор оилаларда яшовчилар бандлиғи таъминланди.

Айни пайтда Ишчи гуруҳи таркибидаги барча масъуллар сафида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутахассислари ҳам фаолиятини давом эттирмоқда.

Жасур МЎМИНОВ,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЎРГАНИШЛАР САМАРАСИНИ АҲОЛИ ҲИС ЭТЯПТИ

Асака туманида аҳолининг, айниқса, чекка ва оғир ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича ишлар давом этмоқда.



«Шўрқишлоқ» маҳалласидаги 19-сонли умумтаълим мактаби кутубхонаси ўрнида шинам, ёруғ ва кенг кутубхона ташкил этилмоқда. Ушбу кутубхона учун қўшимча минг дона бадий ва илмий-оммабоп китоблар ажратилди.

Шунингдек, «Улуғбек» маҳалласида 1 минг 200 та хонадонга оқова сув тортиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Электр таъминотини яхшилаш мақсадида «Тоштепа», «Олақанот», «Тувадоқ»,

«Кужган», «Баҳрин», «Маркаюз», «Улуғбек», «Кўркам» каби маҳаллаларда 10 км.дан зиёд сим-кабеллар тармоғи тортилиб, 342 дона темир-бетон устунлар, 11 та янги трансформатор ўрнатилди.

«Дўстлик», «Файзобод», «Яккатут», «Обод» каби маҳаллаларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 3 та янги сув насоси, 2 та сув минораси ўрнатилди, 143 та хонадон сув тармоғига уланди.

Мухбиримиз.

ЭҲТИРОМ

Улуғларимиз, ўрта авлод вакиллари ҳамда эртаимиз эгаларини жам қилган дилбар давра бугунги тинч ва фаровон кунлар, обод масканлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликда бугунидан рози бўлиб умргузаронлик қилаётган ҳамюртларимизнинг шукроналика йўғрилган суҳбатларига бой бўлди.

«БУГУНГИ ЭЪТИБОР ҲАР БИР НУРОНИЙГА КУЧ-ҒАЙРАТ БАҒИШЛАЙДИ»

АВЛОДЛАР ОРАСИДАГИ ОЛТИН ЗАНЖИР — ВАТАН РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ БИРЛИК, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ ҲАМКОРЛИК ВА ЖИПСЛИКДАГИ ҲАРАКАТ «УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ»ДА БАРЧАНИ БИРЛАШТИРДИ

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида тарих, бугун ва келажакни ўзида мужассам этган «Уч авлод учрашувлари»ни ташкил этиш анъанага айланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида бу масалага алоҳида тўхталиб, бундай учрашувлар нурунийларни эъзозлаш, уларнинг ҳаётий тажрибаларидан самарали фойдаланиш, ёш авлодда Ватанга дахлдорлик туйғусини кучайтиришини таъкидлади.



Дарҳақиқат, бу каби хайрли тадбирларда ёши улуг отахон ва онахонларимиз ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган бой тажрибаси, ёшлик давридаги ўзига хос қийинчиликлар, меҳнат палласидаги машаққатлар, ниҳоят, нурунийлик пайтида кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ҳақида ўз дил сўзларини, самимий фикрларини билдирмоқда. Эл-юрт равнақи йўлида мамлакатимиз раҳбарига яқин кўмакчи, камарбаста бўлиш лозимлиги уч авлодга мансуб юртдошларимиз ўртасида кечган самимий суҳбатлар бош мавзусига айланмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Кегейли туманида ташкил этилган учрашувга таклиф этилган нурунийлар ўзларининг умр йўллари, эришган ютуқлари ва мамлакат ривожига ёшларнинг ўрни, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўз насиҳатларини сўзлаб берди.

— Улуғларимиз, ўрта авлод вакиллари ҳамда эртаимиз эгаларини жам қилган дилбар давра бугунги тинч ва фаровон кунлар, обод масканлар, миллатлараро тотувлик

ва бағрикенгликда бугунидан рози бўлиб умргузаронлик қилаётган ҳамюртларимизнинг шукроналика йўғрилган суҳбатларига бой бўлди, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари, «Нуруний» жамғармаси раиси Турсунбай Абдижаббаров.** — Тарих, бугун ва келажакни туташтирган манзил кексаю ёшнинг хотирасида сақланиб қолади. Сабаби, жонли тарих билан сўзлашиш, уларни яқиндан таниш, биргаликда ҳамфикр бўлиш ёшлар учун катта тажриба ва ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади. Бу каби тадбирлар барча қишлоқ ва овулларда давом этиб, миллатлараро дўстлик, бирдамлик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар тараннумига айланиб борапти.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Кўлами жиҳатдан кенгайиб бораётган «Уч авлод учрашувлари»нинг навбатдаги тадбирларига кўҳна кент — Самарқанд мезбонлик қилди. Вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан «Янги Ўзбекистонда эл

азиз, инсон азиз!» шиори остида ташкил этилган учрашувда барча шаҳар ва туманлардан пирю бадавлат нурунийлар, файзли оила соҳиблари ҳамда ёш авлод вакиллари қатнашди.

Вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов бугун кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонларнинг ҳар бир сўзи, ҳаётий тажрибаси ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоятда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ширин дийдор барчага хуш кайфият бахш этиб, фаол ва фидойи нурунийлар эсга олинди, давранинг файзи бўлган катта авлод вакиллари эҳтиром кўрсатилди.

Каттакўрғон шаҳрида ташкил этилган худди шундай тадбирда нурунийлар кекса авлод вакилларига берилаётган эътибор ва ғамхўрлик уларга куч ва шижоат бағишлашини, ўзларининг ҳаётий тажрибаларини ишга солиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муносиб ҳисса қўишларини билдирди.

Тадбирда каттакўрғонлик

ёшларнинг ютуқлари, халқаро танлов ва спорт мусобақаларидаги муваффақиятлари эътироф этилиб, улар ҳокимлик томонидан муносиб рағбатлантирилди. Бир пиёла чой устида ўтган тадбирда Каттакўрғон шаҳар драма театри ва маданият бўлимининг санъаткорлари бадий дастур намойиш этилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Термиз шаҳридаги «Азизбек» тантаналар саройида бўлиб ўтган «Уч авлод учрашувлари»да меҳнат фахрийлари, турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматида сазовор бўлган нурунийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда фаол ёшлар иштирок этди.

Авлодлар орасидаги олтин занжир — Ватан равнақи ва халқ манфаати йўлидаги бирлик, эзгу мақсадлар сари ҳамкорлик ва жипсликдаги ҳаракат шу кун барчани бирлаштирди. Ўзаро суҳбат ва мулоқотларда мамлакатимизда инсон омилига юксак эътибор берилаётгани, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига ғамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатилаётгани,

инсон кадр-қиммати, унинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга имконият бериш устувор вазифага айлангани бот-бот таъкидланди.

— Бу тадбирлар, аввало, ҳар биримизни юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга ундайди, ёшларни яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга даъват этади, — дейди **техника фанлари бўйича фалсафа доктори Азиза Холбоева.** — Қолаверса, нурунийларнинг ҳаёт йўли ёшларга ибрат мактаби бўлади. Бугунги тадбирда ҳам уч авлод вакиллари самимий суҳбат қурди, ёшлар келажак режалари ҳақида сўзлаб берди. Энг муҳими, тадбир қалбларни ўзаро яқинлаштирди, тажриба, ибрат, ёшлик шижоатини бир даврага жамлади.

Самимий мулоқотда тинч ва хотиржам ҳаётимиз, фаровон кунларимизга шукроналик тилга олинди. Бир пиёла чой устида давом этган тадбирда санъаткорларнинг қўшиқлари барчага завқу-шавқ улашди.

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

БИР ҲАФТАДА 8 256 ТА ХОНАДОН ЎРГАНИЛДИ

Сардоба туманидаги маҳаллаларда уй-жой, мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари, ички йўллар, ичимлик сув, электр, газ таъминоти, ободонлаштириш билан боғлиқ оғриқли масалалар танқидий ўрганилмоқда.



Мазкур жараёнларда ҳар бир маҳаллада аҳоли ва йиғин раислари таклифи асосида 2023 йил давомида қайси маҳаллада қандай муаммоларни биринчи галда ҳал этиш лозимлиги, қандай ижтимоий объектлар қуриш орқали аҳолининг оғирини енгил, ўзоғини яқин қилиш мумкинлиги бўйича масалаларга аниқлик киритилляпти. Шу билан бирга, ушбу масалаларни ҳал этиш учун зарур бўладиган маблағлар қайси манбалардан ажратилиши бўйича таклифлар олиниб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Ишчи гуруҳи «Пахтаобод» деҳқон бозори, туман тиббиёт бирлашмаси, «Қуёшжон» номли 1-сон мактабгача таълим ташки-

лоти фаолияти билан танишди. Тумандаги энг оғир ҳудудлар сирасига кирувчи «Бирлашган» ва «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси, шунингдек, бошқа ижтимоий соҳа объектларини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниб, бу борада фаоллар ва аҳоли вакиллари таълим ва ташаббуслари тингланди.

«Дўстлик» маҳалласида 2020 йилда иш бошлаган «Oqsaroy textile group» тикувчилик фабрикасида айна вақтда 300 нафарга яқин аҳоли иш билан

банд. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, ҳозирда бу ерда яна 400 та бўш иш ўрни мавжуд. Ишчиларнинг фарзандлари учун боғча ташкил қилинган.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, ўтган бир ҳафта давомида тумандаги 8 256 та (81 фоиз) аҳоли хонадонлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш ўтказилган маҳаллаларда аҳолига 36,5 тонна кўмир, 1-сектор ҳудудидаги маҳаллалардаги 220 та хонадонга қўшимча газ баллонлари тарқатилди. Тиббий хизматга муҳтож 39 нафар фуқаро шифохонага ётқизилди, бепул дори-дармон ва йўлланмалар билан таъминланди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

ИСЛОҲОТ

128 нафар ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, уларга турли даражадаги моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Шу билан бирга, 271 нафар хотин-қизга 5 миллиард 55 миллион сўм маблағ ажратилиб, бандлиги таъминланди.

«ФАРОВОНЛИККА ФАҚАТ ЎЗ МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН ЭРИШАМИЗ»

ЎЙЛАБ ҚАРАСАК, ОҚСОҚОЛ ҲАМ, УНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ ҲАМ ЎЗИГА АЖРАТИЛГАН БИНОДА ЭМАС, МОСЛАШТИРИЛГАН ҚАНДАЙДИР ИМОРАТДА ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛСА, БУ АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРИМИЗГА ҲАМ ЗИДДИР



Маҳалла тизимидаги ўзгаришлар Ѓиждувон туманида ҳам ўз аксини кўрсатаётир. Бугунги кунда туманда 75 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Худуд аҳолиси 312 минг нафардан зиёд бўлиб, 60 708 та хонадон ва 85 710 та оила рўйхатга олинган. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ҳар бир маҳалла мутасаддиларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, ижтимоий ғимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, кекса авлод вакиллари фаоллигини оширишга доир масъулияти кучайтирилмоқда.

МАҲАЛЛА БИНОСИ КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ БЎЛСИН!

Ўзбек маҳалласининг замонавий қиёфаси қандай бўлиши керак? Унинг ўзига хослигини кўрсатишда нималарга эътибор қаратилади? Айнан шу тизим ишини йўлга қўядиган ва мувофиқлаштириб борадиган идорани бунёд этишда қандай меъморий, техник талабларга мувофиқ ёндашув бўлиши зарур? Ана шу мазмундаги саволларнинг жавоби битта: омма оёғи ўзилмайдиган, халқнинг дарди, қувонч ва ташвишлари билан «яшайдиган» маҳалла биноси кўркам, замонавий, барча зарурий жиҳозлар билан таъминлансагина унинг исми жисмига монанд бўлади, тўғрими?

Хўш, бугун тумандаги маҳаллаларнинг ўз биноси борми, у ташландиқ ҳолатда эмасми? Ишни ана шу саволга жавоб беришдан бошладик. Зеро, маҳалла учун янги бино қурилса, бундан яхшиси йўқ. Аммо айрим маҳаллалар биноси бошқа ташкилот ва муассасалар ихтиёрида сақланиши ўша ҳудудда ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишга жиддий монелик туғдиради. Ўйлаб қарасак, оқсоқол ҳам, унинг ўринбосарлари ҳам ўзига ажратилган бинода эмас, мослаштирилган қандайдир иморатда фуқароларни қабул қилса, бу амалдаги қонунларимизга ҳам зиддир.

Туман маҳаллалари таҳлил қилиниб, 2021 йилда 18 та маҳаллага янги бинолар қуриб берилди. Жумладан, «Тахтаон», «Калон», «Шўрча», «Чағдари», «М.Мирзаён», «Ғишти», «Янгиобод», «Ғажду-

мак», «Улфатбиби», «Зарангари», «Буктарой», «Саидкент», «Тавариён», «Халқобод», «Денов», «Баққоллар», «Оқработ», «Тарханон» йиғинлари янги биноларига кўчиб ўтди. Барча қўлайликлари билан ишга туширилган бу бинолар эндиликда аҳоли барча қатламлари кириб чиқадиган масканга айланиб бормоқда. Жорий йилда қурилиши бошланган бинолар 2023 йилнинг биринчи чорагида ишга тушиши мўлжалланяпти.

ЭХТИЁЖМАНДЛАР — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗДА

Туманда ишсизлик даражасини камайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, одамларнинг кредит олишига кўмаклашиш, янги иш ўринларини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилляпти. Йил бошида ўтказилган «хонадонбай» хатлов натижасига кўра, туманда 24 нафар фуқаро «Темир дафтар»га, 1 780 нафар ногиронлиги бор, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ишсиз хотин-қизлар «Аёллар дафтари»га, 4 230 нафар ишсиз, уюлмаган, ногиронлиги бор йигит-қизлар «Ёшлар дафтари»га киритилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида ижтимоий ғимояга муҳтож бўлган, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ўзини ўзи банд қилиш истагини билдирган, номли дафтарларга киритилган субсидия, имтиёзли кредитлар ҳисобига турли жиҳозлар олиб берилди. Хусусан, 180 нафар хотин-қизнинг оилавий шароити ва имконияти ҳисобга

олиниб, 109 нафарига тикув машинаси ҳамда 79 нафарига микротўлқинли печ топширилди. Бу оғир вазиятда яшаётган юртдошларимизнинг қувончига сабаб бўлиб, улар қалбида эртанги кунга ишонч туйғусини уйғотди.

Қолаверса, 128 нафар ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, уларга турли даражадаги моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Шу билан бирга, 271 нафар хотин-қизга 5 миллиард 55 миллион сўм маблағ ажратилиб, бандлиги таъминланди. Тумандаги мавжуд маҳаллаларда 34 та тикув цехлари ташкил этилиб, аёллар кийими, болалар кийими, патдўзлик, ўзбек миллий кийимлари ва ўзбек миллий буюмлари тайёрланмоқда. Мазкур цехлар фаолияти натижасида 226 та хотин-қиз ишли бўлди.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган ёки ногирон парваришида бўлган, кам таъминланган ва фарзандларини тўлиқсиз оилда тарбиялаётган хотин-қизларга рухий, тиббий, моддий, маънавий ва бошқа жиҳатдан кўмак бериш ишлари эътиборимиз марказида. Мавжуд 75 та маҳалла кесимида манзилли рўйхат шакллантирилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган режа асосида иш олиб бориш амалиёти жорий этилган. Шу орқали бугунгача 25 нафар аёл уй-жой билан таъминланди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 6 нафар аёлга 103 миллион 468 минг сўм миқдорда маблағ ажратилиб, уй-жойнинг 10 фоиз бошланғич бадаллари тўлаб берилди.

Умуман олганда, бугунги кунга келиб «Аёллар дафтари»га киритилганларнинг 98 фоизининг муаммолари тўлиқ ҳал этилди. Бунда уларнинг бандлиги таъминланди, тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди, ўзини ўзи банд қилди, уй-жойи таъмирланиб, айримларига янги уйлар қуриб берилди

ва бошқа ижтимоий масалалари ҳал этилди.

НУРОНИЙЛИК ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Одатда кексалар деганда, мункиллаган, кунда-кунора шифокор кўригида, фақат тоат-ибодат билан машғул инсонлар кўз олдимишга келади. Тўғри, қаричилик — тақдир. Ҳаммани ҳам шунга етказсин. Фарзандлар, набираларни дуо қилиб, ўз ҳаётини тажрибасидан келиб чиқиб, уларга тўғри йўл кўрсатиб, панд-насихат қилиб яшашга нима етсин. Аммо бир қизиқ гап айтаман: бизнинг Ѓиждувонда кексалар йўқ! Фахрийларимизнинг бари ҳали барваста. Доимо туманимга, одамларга фойдам тегсин, деб тиниб-тинчимайдиган, ғайратли, шижоатли инсонлар.

Кекса ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида маҳаллалардаги «Кексалар маслаҳати гуруҳи» фаоллари томонидан кўплаб ташаббуслар илгари сурилмоқда. Бу гуруҳимиз аъзолари нотинч оилаларга бириктирилган. Ёшларга тўғри йўл кўрсатиб, оилаларнинг бутлигини сақлашга кўмаклашмоқда. Жумладан, жорий йилнинг шу даврига қадар профилактик ҳисобда турувчи ёшларга 17 нафар нуроний бириктирилганди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 8 нафар йигит-қиз бу рўйхатдан чиқарилди. Ёки бўлмаса, нотинч ёки ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларга бириктирилган кекса авлод вакиллари кўмаги билан 69 та оиланинг нотинчлигига барҳам берилди, 61 та оила яраштирилди.

Ҳали туманимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш билан боғлиқ ишларимиз кўп. Уларни секин-аста, босқичма-босқич ҳал этиш учун барча ресурсларни ишга солишимиз керак. Ана шундагина маҳалла тизимидан Ѓиждувон халқи ва эли рози бўлиб яшайди. Бу борада Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари жонбозлик кўрсатамиз.

Зикрулло ФУЗАЙЛОВ,
Ѓиждувон тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Умуман, аҳолиимизнинг 32 619 нафари нуронийлар ҳисобланади. Шундан 19 898 нафарини аёллар ташкил қилади. Бир нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бор. Фронрти қатнашчилари сони 75 нафарга етади. Узгалир ёрдамига муҳтож кексалар 14 нафар, ногиронлиги бўлган нуронийлар 1 402 нафар, якка-ёлғиз кексалар 13 нафарни ташкил этади. Уларнинг ҳолидан мунтазам равишда хабар олиниб, хонадонларида ободонлаштириш ишларида кўмаклашиляпти. Тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда саломатликлари назорат қилиниб келинади. Жорий йилда уларнинг 236 нафарига санаторийларга йўланма берилди, 13 679 нафари сихатгоҳларда дам олди.

Биласизки, жорий йил октябрь ойида «Кексалар ҳафталиги», ноябрда «Кексалар учун туризм ойлиги» ташкил этилди. Ҳафталик доирасида ўтказилган тадбирлар ва лойиҳаларга туман маҳаллаларидан 400 нафардан зиёд фахрийларнинг иштирок этгани уларнинг нақадар фаол эканидан далолат. Ойлик доирасида саёҳатларга жалб этилган нуронийлар сони 949 нафарни ташкил этди. Уйда ётиб қолган 47 нафар кексаларнинг, шунингдек, шифохоналарда даволанаётган 17 нафар отахон ва онахоннинг ҳолидан хабар олинди. Қолаверса, олти марта «Уч авлод учрашувлари» ўтказилиб, 99 нафар нуронийнинг иштироки таъминланди. «Саломатлик учун 5 минг қадам» тадбирларида 602 нафар кекса авлод вакили иштирок этди.

ҲОЛАТ

Маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларига муқобил энергия манбаи, қуёш панелларини ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўрнатиш ишлари бошланган ва бу ишлар «Янгиобод», «Жувозхона», «Тўполос», «Сарбозор», «Янги ҳаёт» маҳаллаларида якунига етказилган.

«БИЗ ДОИМО ХАЛҚ БИЛАН БИРГА, ОДАМЛАР ОРАСИДАМИЗ»

УЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАР ЕЧИМИ УСТИДА ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШДАМИЗ



Яқунланаётган йилда туманимиз ривож учун ҳисса қўшган 100 нафардан ортиқ юртдошимиз турли давлат мукофотларига лойиқ кўрилди. Бош қомусимизнинг 30 йиллиги муносабати билан Пайариқ туманидан ҳам қатор маҳалла фаоллари кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида мен ҳам борлигимдан фахрланаман. Бунини ҳудудимизда олиб борилаётган ишларнинг муносиб баҳоси, деб биламан.

Жорий йил туманининг 1-секторга қарашли «Жувозхона» маҳалласида 2 та эҳтиёжманд оилага ҳомийлар ва ҳашар йўли билан, 3-секторга қарашли «Халқобод» ва Х.Исмоил номи маҳаллалар, 4-секторга қарашли «Ўймовут» маҳалласидан биттадан эҳтиёжманд оилага жами 600 млн. сўмлик ҳомийлар маблағи ҳисобидан уй-жойлар қуриб берилди.

Қолаверса, «Сарбозор» маҳалласидаги 12 та эҳтиёжманд оилага, «Янгиобод» ҳамда «Мустақиллик» маҳаллаларида яшовчи 2 та эҳтиёжманд оилага 1 бошдан қорамол тақдим этилди. Бундан ташқари, ҳомийлар ҳисобидан 168 млн. сўмга «Баҳрин», «Фидокор», «Фаровон», «Фитрат», «Дарвишқ», «Хоса», «Мустақиллик», «Гулистон», «Гулзор» маҳаллаларида

яшовчи жами 21 та эҳтиёжманд оила фарзандларининг ҳатна тўйлари ўтказилди.

ФАХРИЙЛАР ТАЖРИБАСИ — ИБРАТ

2022 йил давомида кекса фахрийлардан 345 нафарига соғлиғини тиклаш учун бепул санаторийларга йўлланмалар тақдим этилди. Туманимиздаги 3 500 нафардан ортиқ кексалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, 27 нафарига аравача, 23 нафарига қўлтиқтаёқ ва ҳассалар, 13 нафарига эшитиш мосламалари топширилди. 102 та умумтаълим мактабларида «Нуронийлар тарбиявий соатлари» тадбирлари мунтазам олиб борилмоқда. Фаол кекса нуронийларимиздан 5 нафари «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Маҳаллаларда «Кексалар маслаҳати гуруҳи» фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, 170 дан ортиқ оилавий низолабга барҳам берилди. 210 тадан ортиқ оилалар яраштирилди. «Нуронийлар жамотчилиги кенгаши» томонидан 24 маротаба «Уч авлод учрашуви», «Ешларни ватанпарварлик руҳида тарбия қилайлик», «Нуронийлар панд-насиҳатлари» каби учрашув ва тадбирлар ўтказилди.

«Ҳар бир нуроний ўн нафар ёшга мураббий» тамойили асосида ҳар бир маҳалладаги 10 нафар тарбияси оғир, уюшмаган ишсиз, маънавий кўмакка муҳтож ёшларга 1 нафардан нуронийлар бириктирилиб, уларнинг жамиятдаги ўрнини топишда кўмаклашмоқда. Шунингдек, нуронийлар маҳаллаларда ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, хонадонларга кириб муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш каби ишларда ҳам бош-қош бўлишмоқда.

ОБОД МАҲАЛЛА ОДАМЛАРИНИНГ КўНГЛИ ҲАМ ОБОД

Мавжуд 65 та маҳалламизда 250 минг нафардан ортиқ

аҳоли истиқомат қилади. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими одамларни юртимизда олиб борилаётган ижтимоий иқтисодий ислохотлардан рози қилиш, ислохотлар моҳиятини тушунтириш, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини самарали муҳофаза қилиш ва амалга ошириш йўналишида иш олиб бормоқда. Биз доимо халқ билан бирга, одамлар орасидамыз. Уларни қийнаётган муаммолар ечими устида тинимсиз изланишдамыз.

Утган давр мобайнида янги маҳалла биноларини бунёд этиш, уларни замонавий техникалар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2021 йилда Пайариқ туманида 12 та, 2022 йилда 15 та фуқаролар йиғинлари бинолари замон талабига мос равишда янгидан қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу биноларда маҳалла ходимларига барча шароитлар яратилди. Бугунги кунда тумандаги барча йиғинлар тезкор интернет тармоғига уланган бўлиб, жорий йилда 45

та маҳаллага замонавий компьютер жамланмалари берилди.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларига муқобил энергия манбаи, қуёш панелларини ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўрнатиш ишлари бошланган ва бу ишлар «Янгиобод», «Жувозхона», «Тўполос», «Сарбозор», «Янги ҳаёт» маҳаллаларида якунига етказилган.

Шу билан бирга, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ешлар дафтари»даги фуқароларнинг турмушини яхшилаш, кексаларимизни эъзозлаш, уларга муносиб шароитлар яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча жабҳаларида муносиб меҳнат қилиб келмоқда. Ҳаракатларимиз натижасида одамларимиз ислохотлардан рози бўлишса, шу биз учун энг катта эътироф саналади.

ШУҲРАТ ФАРМОНОВ,
Пайариқ тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

НОГИРОН БОЛАСИ БОР ОИЛАГА ИМТИЁЗ БОРМИ?

16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 иш кунидан кам бўлмаган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Шунингдек, 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор ота-онанинг бирига ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш кунини берилади.

16 ёшгача бўлган ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига ногирон боланинг санаторийда даволанган барча даври учун унга яқка тартибда парвариш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса мавжуд бўлганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилади.

16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришда банд бўлган она касал бўлиб, болани парваришда қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилади.

МАНБАСИ КўРСАТИЛСИН ЁКИ МУАЛЛИФИ

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

40 НАФАР АЁЛГА СУБСИДИЯ БЕРИЛДИ

Кармана тумани ҳокимлигида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган 40 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари тарқатилди.



Субсидия Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида берилди.

— Тикувчиликка қизиққанам боис маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисига субсидия асосида тикув машинаси олиш мақсадида ариза топширган эдим, — дейди «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Муқаддас Холбўтаева. — Бугун мутасаддилар томонидан менга субсидия асосида тикув машинаси беришди. Энди тикувчилик билан шуғулланиб, қўни-қўшниларга, маҳалладошларимга турли кийимлар тикиб бераман. Оиламга фойдам тегади.

Туманда ижтимоий дафтарларга киритилган хотин-қизларга белгиланган тартибда субсидия асосида тикув машиналари олиб берилмоқда.

НИГОҲ

Аҳолининг ҳар бир мурожаати эътиборга олинган. Ҳар бир кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг мурожаатлари ўз вақтида сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ишчи гуруҳ тузилган ҳолда ўрганилиб, ўз ечимини топмоқда.

«ОБОД МАҲАЛЛАДА НОМЛИ ДАФТАРЛАР БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК»

ЮРТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ, ЎЗГАРИШЛАР ВА БУНГА АҲОЛИНИНГ МУНОСАБАТИ, УЛАРНИНГ КАЙФИЯТИ, АВВАЛО, МАҲАЛЛАДА АКС ЭТИШИ, МАҲАЛЛАДА СЕЗИЛИШИ, МАҲАЛЛА ЁРУҒ ЮЗИМИЗ ВА ВИЖДОНИМИЗ КЎЗГУСИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ



Маҳалладаги ҳар бир фуқаронинг ҳолатини ўрганишда «маҳаллабай», «хонадонбай» ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, хотин-қизлар ва ёшларга мақсадли ёрдам кўрсатишда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг йўлга қўйилиши муҳим қадам бўлди.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» деганда, нафақат уларнинг йўли ёки қиёфаси яхшиланиши, балки у ерда яшовчи аҳолининг даромади кўпайиши, ижтимоий объектлар тўлиқ ишлаши керак. Энг асосийси, ҳақиқий обод маҳаллада «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» бўлмаслиги лозим. Бунинг учун табиркорлар билан маслаҳатлашиб, ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш зарур. Сарфланган ҳар бир сўм сармоя одамларимизга уч баробар кўп фойда келтириши, уларнинг даромадини оширишга хизмат қилиши керак.

Маҳаллада яшовчи ҳар бир инсон ҳақида билиш, ҳолидан хабардор бўлиш, унинг бугунги ўй-ташвишлари, орзу-мақсадлари билан танишиш — бизнинг энг катта вазифамиздир. Айниқса, маҳалладаги нуронийлар қатлами кўпроқ эътиборга муҳтож.

Шунинг учун шаҳар миқёсида «Бир нуроний ўн ёшга масъул» кўрик-танлови ўтказилиб, фаол нуронийлар иштироки таъминланди ва нуронийлар рағбатлантириб борилди. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, Улуғ Ватан уруш қатнашчилари, фронт орти ва ёлғиз ҳамда якка-ёлғиз, кекса нуронийлар

ҳолидан доимий хабар олиш тизими ташкил қилинди.

Бундан ташқари, аҳолининг ҳар бир мурожаати эътиборга олинган. Ҳар бир кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг мурожаатлари ўз вақтида сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ишчи гуруҳ тузилган ҳолда ўрганилиб, ўз ечимини топмоқда.

Жумладан, тиббий ҳимояга муҳтож шахсларнинг шартномаларига, уй таъмирига муҳтож оилаларга «Обод маҳалла» дастури доирасида қурилиш материаллари, ижтимоий аҳволи оғир оилаларнинг пластик карталарига пул маблағлари ҳамда озик-овқат маҳсулотлари «Маҳалла» хайрия жамоа фонди «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиб берилмоқда. Қолаверса, ҳар бир ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга халқ

депутатлари шаҳар Кенгашининг қарори асосида ёрдамлар белгиланган (15 нафар давола-нишга муҳтож фуқарога 183,53 миллион, 149 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга 219 миллион 400 минг сўм маблағ пластик карталарига ва 128 нафар оилаларга турли ёрдамлар берилган).

«ЯШИЛ МАКОН»ДА ҲОЗҲОН ИЛҒОР

Юртимизни яшил масканга айлантиришда ҳозирликлар фаол иштирок этишмоқда. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг ташаббуси билан аҳоли ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳамда бўлим учун ажратилган 1 га. ер майдони ҳамда «Эргаш-Обод» боғида жами 14 минг туп дарахт кўчатлари ва қаламчалар экилди. Таъкидлаш жоизки, мам-

лакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, фуқароларимиз ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечириши-ни таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шундай экан, юртимизда кечаётган ислохотлар самараси, ўзгаришлар ва бунга аҳолининг муносабати, уларнинг кайфияти, аввало, маҳаллада акс этиши, маҳаллада сезилиши, маҳалла ёруғ юзимиз ва виждонимиз кўзгусига айланиши лозим.

Умиджон ЭРГАШЕВ,
Ҳозир шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ОИЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Турмушнинг қайсидир жабҳаларида, тақдир синовлари тўғрисида баъзан инсон мушкул аҳволга, тузалмас дардларга мубтало бўлади. Аммо бугун ҳукуматимиз томонидан узоқни ўйлаб, маъқул бир сиёсат олиб борилмоқдаки, жамиятимизнинг ҳеч бир аъзоси эътибордан четда қолмайди.



Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси ҳамкорлигида «Оқ олтин» маҳалласида яшовчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож, 1-гуруҳ ногирони бўлган Саодат Бобоёровага ногиронлик аравачаси тақдим этилди. Шунингдек, «Янгиобод» йиғинида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Нигора Элмуродова ҳамда «Қўшчинор» маҳалласида яшовчи Сайёра Баратовага эшитиш мосламалари берилди. Ушбу хайрли ишларнинг барчаси «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Ҳаётига қувонч улашилган инсонлар қўлларини дуога очиб, эътибор ва ғамхўрликдан миннатдор бўлди. Оилаларига қувонч улашилди.



ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ ТУТИБ...

Айни пайт рўйхатда қолаётган ёшларга ҳам хоҳиш ва истакларига асосан, шароит яратиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ер ажратиш, субсидия олишда кўмаклашиш, контракт пулларини тўлаб бериш, турли ўқув курсларида ўқитиш бўйича режалар белгилаб олинди.



«ЮТУҚЛАРИМИЗ МУАММОГА ТУҒРИ ЕЧИМ ТОПИШНИНГ НАТИЖАСИ»

АЙНИ ПАЙТДА ЁШЛАРГА ХОҲИШ ВА ИСТАКЛАРИГА АСОСАН, ШАРОИТ ЯРАТИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЕР АЖРАТИШ, СУБСИДИЯ ОЛИШДА КЎМАКЛАШИШ, КОНТРАКТ ПУЛЛАРИНИ ТЎЛАБ БЕРИШ, ТУРЛИ ЎҚУВ КУРСЛАРИДА ЎҚИТИШ БЎЙИЧА РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Маҳаллалар жамиятнинг кичик бўғини сифатида барча инсоний фазилатларни шакллантириш, оилаларда тинчлик-тотувликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода бугун ўшбу тизим аҳоли муаммоларини ҳал этиш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатишда чинакам кўприк вазифасини бажармоқда.

Марҳамат туманида маҳаллалар фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар одамлар тақдирида, уларнинг ҳаёт тарзида акс этмоқда. Бугунги кунда туманимизда 48 та маҳалла бўлиб, уларда 180 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 70 минг 100 нафарининг бандлиги таъминланган. Ишсизлар сони 7,9 минг, хорижга ишлаш учун кетганлар 9,4 минг нафарни ташкил этади.

Айтиш керакки, маҳаллада иш бошлаган бешлик ўзаро ҳамкорлиги ҳудудлардаги барча қатламни қамраб олиш имконини бермоқда. Жумладан, бугунги кунда ёшлар билан маҳалла кесимида ишлаш натижасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Тумандаги 14-30 ёшлилар 49 509 нафарни ташкил этса, йил бошида 1 233 нафари «Ёшлар дафтари»га киритилганди. Жорий йил ноябрь ойи ҳисоб-китобига кўра, ҳозиргача 931 нафари рўйхатдан чиқарилди. Айни пайт 302 нафар ёшлар зарур ёрдамларни олишмоқда. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун «Ёшлар дафтари» жамғармасидаги маблағлар ҳисобидан 914 млн. сўм сарфланди. Секторлар кесимида таҳлил қилинганда, 1-сектордан 255 нафар, 2-сектордан 171 нафар, 3-сектордан 318 нафар, 4-сектордан 87 нафар ёшлар дафтардан чиқарилган.

Хўш, уларга қайси манбалар ҳисобидан ёрдам кўрса-

тилди? Таҳлилларга кўра, 572 нафарига 10 йил фойдаланиш учун ер ажратилди, 93 нафарини контракт пуллари тўлаб берилди, 40 нафарига ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилди. 119 нафарига имтиёзли кредит ажратилган бўлса, 46 нафари доимий ишга жойланди. Шунингдек, 4 нафарига субсидия олишига кўмаклашиб, бунинг эвазига бандлиги таъминланди. 49 нафар ёшлар ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, рўйхатдаги 8 нафар ёшларга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Айни пайт рўйхатда қолаётган ёшларга ҳам хоҳиш ва истакларига асосан, ер ажратиш, субсидия олишда кўмаклашиш, контракт пулларини тўлаб бериш, турли ўқув курсларида ўқитиш бўйича режалар белгилаб олинди.

Юқорида санаб ўтганимиз тумандаги бир йўналишда эришилган натижалар холос. Аслида маҳаллалар кесимида бошқа соҳаларда ҳам ютуқларимиз кўп.

Жорий йил якуни билан туманда жами 5 та (100 та хонадон) кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Ҳозирда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Бу эса юзлаб тумандошларимиз ўз уйларига эга бўлишини билдиради. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида жорий йилда 60 км. янги тармоқ тортилди. Бу орқали ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 78 фоиздан 80 фоизга оширилди. 23 та маҳалла ҳудудларида жами 40,52 км. ичимлик сув тармоғи тортиш ҳамда таъмирлаш ва 8 дона сув қудуғи қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилиб, оқова сув иншооти ва тармоқларини қуриш оралиғида жами 18,5 км. канализация тармоғи тортилди. Шунингдек, 11 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жами 31,2 км. масофадаги ички йўллар шағалланди ҳамда 6,82 км. ички йўлни бетонлаш ишлари якунланди. Йил якуни билан 3 км. бетон

асфальт, 53,8 км. ички йўллар шағаллаштирилади.

Қолаверса, 33,7 км. электр тармоқлари тортиш ва таъмирлаш ишлари, 545 дона темир бетон таянч устунлар ҳамда 31 дона трансформатор пунктларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишлари бажарилиб, электр энергияси таъминотидаги муаммолар бартараф этилди. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига асосан тумандаги 2 та маҳаллада 18,8 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж, таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 6 минг нафардан зиёд фуқароларни яшаш шароитлари яхшиланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тумандаги ижобий ютуқлар, аввало, маҳаллалардаги муаммоларга тўғри ечим топилаётгани натижаси, дейиш мумкин.

**Муҳиддин САТКУЛОВ,
Марҳамат тумани Маҳалла
ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғи.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ТАДБИРКОР ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА БИНОСИНИ ҚУРИБ БЕРДИ

«Мустақилликнинг беш йиллиги» маҳалласида 5 455 минг нафар аҳоли бўлиб, 1 290 та оила мавжуд. Маҳалла ўз биносига эга бўлмагани учун ҳудуддаги мактаб биносининг хонасидан фойдаланиб келинар эди.



Ўтган йили Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи чоғида аҳоли вакиллари билан учрашувида мазкур маҳаллада яшовчи Анасхон Дадабоев маҳалла учун мўъжазгина идора ва спорт майдончалари қуриб беришини айтган эди. Бу таклиф Президент томонидан маъқулланиб, тадбиркорга қурилиш учун ер ажратиш берилганди. Шундан сўнг тадбиркор ўз ҳисобидан қисқа муддатда замонавий маҳалла биносини қуришга киришди. Бугун ниҳоят ишлар якунига етди. Маҳалла идораси қад ростлади. Бинода маҳалла бешлиги фаолият олиб бориши учун барча шароитлар

яратилган, ҳар бир соҳа мутахассислари учун алоҳида хоналар мавжуд.

Ўшбу маҳалла идорасининг тантанали очилиш маросими чинакам байрамга айланиб кетди. Тадбирда туман ҳокими, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси раҳбари, Нуронийлар кенгаши раиси ва маҳалла фаоллари иштирок этди. Тадбир доирасида ҳудуддаги фуқаролар учун эҳсон дастурхони ёзилиб, 10 га яқин оиланинг фарзандлари учун суннат тўйи ўтказилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бино учун жиҳозлар ва компьютер жамланмаси тақдим этди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Эндиликда ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари — махсус иш стажы шахарчалар, қишлоқлар ҳамда овулларда камида 25 йил бўлган тақдирда охириги иш жойидан қатъи назар, белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ЯНГИ ЙИЛ ПЕНСИОНЕРЛАРГА ҚАНДАЙ ҲАДЯЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ?

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ 2023 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ САНАСИДАН КУЧГА КИРАДИ. ЯНГИ ЙИЛ БОШЛАНИШИГА ҚИСКА ФУРСАТ ҚОЛГАНИНИ ҲИСОБГА ОЛСАК, БУ ЎЗГАРИШЛАРДАН ХАБАРДОР БЎЛИШ ЗАРАР ҚИЛМАЙДИ, АЛБАТТА. ХЎШ, 1 ЯНВАРДАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА БИЗНИ ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТЯПТИ?



Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Хусусан, қонунчиликка нафақа, моддий ёрдам, пенсия тайинлаш билан боғлиқ қатор ўзгартиришлар киритилди. Булар орасида пенсия билан боғлиқ тартиб-таомилларга алоҳида эътибор қаратилдики, бу йиллар давомида юрт равнақи йўлида меҳнат қилган ва эндиликда неваралари бағрида кексалик гаштини сураётган нуронийларга ўзига хос ғамхўрлик намунасиدير.

Келинг, 2022 йил давомида пенсия тизимида амалга оширилган энг муҳим ислохотларга қисқача назар ташлайлик. Қонунчилик базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2022 йил 26 октябрда «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун имзоланди. Шу билан бирга, Ҳукуматнинг 2022 йил 13 октябрдаги тегишли қарори билан «**Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»**ги Низом тасдиқланди.

Бундан ташқари, **1 май санасидан** энг кам пенсия ва нафақа миқдорлари минимал истеъмол харажатлари миқдори (500 минг сўм)га етказилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баробарга оширилди. Ногиронлик пенсияси ва нафақаларининг энг кам миқдорлари 698 минг сўмга етказилди. **1 октябрдан** республикада илк бор нафақа тайинлашда фуқаролар ҳеч қарерга мурожаат қилиши шарт бўлмаган тизим — **проактив шакл** жорий этилди. Қолаверса, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тўлаш муддати **16 ёшдан 18 ёшга узайтирилди**, ўқишнинг давом эттирилганларга **23 ёшга тўлгунга қадар** пенсия тўловини сақлаб қолиш ҳуқуқи берилди. Ногиронлиги болаликдан бўлган болаларга **18 ёшгача қараган даврини** иш стажига қўшиб ҳисоблаш йўлга қўйилди.

Айтиш керакки, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришларнинг аксарияти 2023 йил 1 январь санасидан кучга киради. Янги йил бошланишига қисқа фурсат қолганини ҳисобга олсак, бу ўзгаришлардан хабардор бўлиш зарар қилмайди, албатта. Хўш, 1 январдан пенсия тизимида бизни қандай янгиликлар кутяпти?

БАЗАВИЙ МИҚДОР 12 БАРОБАРГА ОШИРИЛАДИ

Пенсия миқдори фуқаронинг иш стажы ва иш ҳақига боғлиқ. Юқори миқдордаги иш ҳақидан солиқ тўлаган фуқароларга муносиб пенсияларни ҳисоблаш мақсадида **1 январдан бошлаб**, пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори чегараси пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробарига оширилади. Бунда пенсия тайинлашда ҳисобга олинган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 3 млн. 240 минг сўмдан юқори бўлган пенсионерларнинг пенсиялари қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Мисол учун:

30 йил иш стажы ва 3 900 000 сўм ўртача ойлик иш ҳақи олган эркак кишига 2022 йилда 1 944 000 сўм ёшга доир пенсия тайинланган. Янги тартибга кўра, ушбу фуқаронинг пенсияси 2023 йил 1 январдан қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 2 332 800 сўмни ташкил этади. Бунда ўртача ойлик иш ҳақи миқдори пенсия ҳисоблаш базавий миқдори (324 000 сўм)нинг 12 баравари (3 888 000 сўм)дан юқори бўлгани са-

бабли пенсия ҳисоблаш учун 3 888 000 сўм инobatга олинади.

Пенсиянинг таянч миқдори — 2 138 400 сўм (пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун инobatга олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида - 3 888 000 сўм * 5 фоиз). Жами пенсия миқдори 2 138 400 + 194 400 = 2 332 800 сўм. Яъни фуқаронинг 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсия миқдори амалдагига нисбатан 388 800 сўмга ошади.

НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯСИ 300 МИНГ СЎМГА ОШАДИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда 782 минг нафар ногиронлиги бўлган шахс пенсия ва нафақа олади (аҳолининг 2,4 фоизи). Шундан 376 минг нафари I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар саналади. Амалдаги қонунчиликка кўра, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган ётганида стажга қўшиб ҳисобланади. Бунда фуқаро пенсия ёшига етганда ёки боқувчисини йўқотганда, ногиронлик пенсиясини олишни давом эттириб, бошқа пенсия турига ўтмаса, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ногиронлик пенсиясига қўшиб қайта ҳисобланади.

Янги тартибга кўра, **1 январдан бошлаб**, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейин камида **1 йил иш стажига** эга бўлса, фуқаронинг аризаси асосида иш стажы ва иш ҳақи инobatга олинган ҳолда, пенсия **ҳар икки йилда** бир маротаба қайта ҳисоблаб чиқилади. Бунда пенсияни қайта ҳисоблаш фуқаро мурожаат қилган санадаги ёшга нисбатан талаб қилинган иш стажидан келиб чиққан ҳолда амалга

оширилади. Натижада 2023 йилда (1994-2022 йилларда иш стажига эга бўлган) **75 минг** нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсияларига ўртача **300 минг сўм қўшилади**.

ТЕЗКОР, ШАФФОФ, ҚУЛАЙ

Юқоридагилар ташқари, қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга кўра, эндиликда **ташкilotлар маъмурияти ҳар йили декабрда шахсий варақчалар ва меҳнат дафтарчалари асосида кейинги йилда ҳам умумий, ҳам имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган ходимлар рўйхатини тузади**. Тўпланган ҳужжатлар Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали шахснинг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасига юборилади.

Фуқаро пенсия тайинлашни сўраб **пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб** исталган вақтда, бирор **муддат билан чекланмаган ҳолда** мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Бунда фуқаро пенсия тайинлаш тўғрисида Пенсия жамғармасига шахсан келиши ёки электрон почта орқали мурожаат қолдириши мумкин. Шахснинг **иш стажы ва ойлик иш ҳақи** тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимларида мавжуд бўлган тақдирда, шахсдан **қўшимча ҳужжатлар талаб қилмасдан** ахборот тизимларидаги мавжуд маълумотлар асосида **ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари** тайинланади ва ҳисоблаб чиқилади.

Ногиронлиги бўлган болани ўз қарамоғига олган оиланинг аъзоси ушбу ногиронлиги бўл-

ган болага **қараб турилган вақтини иш стажы сифатида ҳисобга олиш** тартиби белгиланди. Қолаверса, болани парваришлаш таътиллариининг **кўпи билан 6 йили иш стажы** сифатида ҳисобга олинади. Масалан, агар 30 йиллик меҳнат стажига эга бўлган аёл иш стажининг 8 йили давомида жами 3 болани парваришлаш таътилида бўлган бўлса, пенсия тайинлашда унинг иш стажы 28 йил деб ҳисобланади (30 йил - 8 йил + 6 йил = 28 йил).

Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар тўланиши керак бўлган **ойнинг биринчи санаси** узоқ муддатли дам олиш ёки **байрам кунларига тўғри келганида**, Молия вазирлигининг қарорига асосан, аввалги ой якунига қадар **муддатидан аввал пенсия, нафақа ва бошқа тўловларнинг тўлов қайдноmalarини шакллантириш ҳуқуқи берилди**. Пенсионер вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига вафот этган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади. Пенсионер вафот этган ойда унинг банк пластик картасига крим қилинган маблағлар Пенсия жамғармасига қайтарилмайди.


Эндиликда ихтисослашган тиббий муассасаларнинг **шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари** — махсус иш стажы **шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овулларда** камида **25 йил** бўлган тақдирда охириги иш жойидан қатъи назар, белгиланган ёшни **5 йилга** қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ўғай ота ва ўғай онанинг вафот этган ўғай ўғилни (қизни) тарбиялагани ёки боққанини аниқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хуллас, 2023 йил 1 январдан пенсия тайинлаш тартиб-таомиллари соддалашади, ҳужжатбозликларга барҳам берилади, айрим тоифадаги шахслар манфаатдорлиги оширилиб, ижтимоий адолат тамойиллари таъминланади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

«БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ»

2022 йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистон 51 та хорижий давлатларга қиймати 217 миллион АҚШ доллари тенг бўлган қарийб 245,2 минг тонна узум экспорт қилган. Узум экспорти ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 41,6 минг тоннага ошган.



МАҲАЛЛАДА ЭКСПОРТ САЛМОҒИ ОРТИБ БОРЯПТИ

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ВА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА «БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТОМОРҚАДА ЙИЛИГА 2-3 МАРТА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШГА ЭРИШИЛДИ

Бугун аҳоли даромадини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик йўналишидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш мумкин. Айни жиҳат ҳисобга олиниб, боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳалари орқали «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланмоқда.

Юртимизда азалдан узумчилик анъанаси ривожланган. Ҳар бир кўча, хонадонда ток бўлган. Халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан бевосита боғланиб кетган узумчилик давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги йилларда замонавий соҳа сифатида ривожланиб, одамларнинг даромад манбаига айланди.

Бугунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари томонидан 129 минг гектар майдонда узум етиштирилаётган бўлса, тармоқда 1300 минг аҳоли доимий ва мавсумий иш билан банд. Сўнгги икки йилда 95 минг гектар янги токзорлар ташкил этилиб, соҳага 58 миллиард сўм субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу давр мобайнида мева-сабзавотлар экспортида узумнинг улуши 2 бараварга кўпайди. Соҳани янада ривожлан-

тириш, узумчилик билан шўғулланишни кўзлаган юртдошларимизга имтиёзлар бериш мақсадида «Узумчилик»ни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Унда 2021 йил 1 сентябрдан аҳоли томорқалари, маҳаллаларда узум етиштиришни кенгайтиришнинг янги усуллари жорий этиш белгиланди. Қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 48 та туман узум етиштиришга ихтисослаштирилаётган бўлди. Мазкур туманлардаги 156 минг гектар майдонда, жумладан, 25,5 минг гектарга аҳоли томорқаларида серҳосил, экспортбоп узумзорлар барпо этилиб, уларни истеъмолчи

етказишга қадар узлуксиз тизим яратилди.

Айни пайтда ана шу ишларни ташкиллаштириш мақсадида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда маҳаллаларда ва томорқаларда фаол ишлар олиб борилмоқда. 2021 йил куз ойи ва 2022 йил баҳор ойларида республикадаги 48 та тумандаги 658 минг аҳоли томорқаларига 25,7 минг дон серҳосил, экспортбоп узум навларини экиш бўйича «Йўл харитаси» тузилиб, манзилли рўйхат шакллантирилди.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил куз ойида 245 минг аҳоли хонадонининг 9,5 минг гектар томорқа ерларига 9,5 млн. дон, 2022 йил баҳор ойида 418 минг аҳоли хонадонининг 16 минг гектар томорқа ерларига 16,3 млн. дон, жорий йил куз ойининг бугунига қадар 42 минг дон узум кўчатлари экилди. Мазкур ишларни тизимли ташкил этиш учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 5,3 миллиард сўм маблағлар йўналтирилди.

Маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида томорқада йилига 2-3 марта

маҳсулот етиштиришга эришилди. Биргина мисол, Пискент туманининг «Гулистон», «Дўстлик» ва «Қултепа», Хатирчи туманининг «Боғчакалон», «Хўжақулобод» ва «Мустақиллик» маҳаллалари узумчиликка ихтисослаштирилди.

Олтиариқ туманида яшовчи Адҳамжон Маҳкамов 14 сотих томорқасига 375 дон «хусайни», «дамский», «мерс», «Ризамат ота» сингари узум навларини эккан. Ҳар йили узумдан 6-7 тонна ҳосил олиб, 60-65 миллион сўм даромад топапти. Хонадон эгаси ток тагидаги ерни ҳам бўш қолдирмайди. Майдонга ишлов бериб, куз ойларида саримсоқпиёз ва ҳар хил турдаги кўкатлар экади. Баҳор ойларида йиғиб оладиган 1 тонна ҳосилидан 2,5-3 миллион сўм қўшимча даромади бор.

Бир маҳалла, бир туман миқёсида Қўштепа туманининг «Сарбозор», «Қўмтепа», «Эшонгузар» ва «Болтакўл» маҳаллаларида деярли ҳар бир хонадонда ток сўриларда узум етиштирилади. «Болтакўл»нинг эртапишар «чиллаки», «оқ чиллаки»лари, ширага тўлиб, қишгача сақланадиган «хусайни», «қади хусайни»лари, ғоят хуштаъм, майизбоп «шувилғон»(кишмиш)лари нафақат Ўзбекистон, балки хориж давлатлари

да ҳам машҳур.

Паркентликлар узум етиштиришда катта тажрибага эга. Шу туманда истиқомат қиладиган Меҳриддин Уролов 8 сотих томорқасида 198 дон «тоифи», «қишмиш», «Ризамат ота» каби узум навларини етиштиради. Ҳар йили узумдан 7-8 тонна ҳосил олиб, 50-55 миллион сўм даромад топаётган бу инсон ток тагидаги бўш ердан унумли фойдаланишни ҳам йўлга қўйган.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистон 51 та хорижий давлатларга қиймати 217 миллион АҚШ доллари тенг бўлган қарийб 245,2 минг тонна узум экспорт қилган. Узум экспорти ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 41,6 минг тоннага ошган.

Бир сўз билан айтганда, тармоқни такомиллаштириш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган узумчилик анъаналарини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Элмурод МАМАРАҲИМОВ,
Ўзбекистон фермер,
деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари
кенгаши бош
мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

БЕШ МИНГ НАФАР АҲОЛИНИНГ УЗОҒИ ЯҚИН БЎЛДИ

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида Риштон туманида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Жумладан, куни кеча туман марказидан 12 километр олис масофада фойдаланишга топширилган янги «Қайрағоч» оилавий шифокорлик пункти юқоридаги сўзимиз исботидир. Ушбу оилавий шифокорлик пункти иш бошлаши натижасида «Қайрағоч» ва «Соҳибкор» маҳалласида яшовчи 5 000 нафардан ортиқ аҳоли эндиликда ўз яшаш жойларида малакали тиббий ёрдам олиш имконига эга бўлди.

Замонавий қиёфага ва барча қулайликларга эга шифокорлик пункти янги биноси қурилиш ишларига 1 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда нафақат келиб-кетувчилар, балки фаолият олиб борадиган 25 нафар тиббиёт ходимларининг самарали иш юритишлари

учун зарур шарт-шароит яратилган.

14 та хонадан иборат тиббиёт масканида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган барча имкониятлар етарли. Аёллар, болалар ва кексалар учун алоҳида хоналар, шунингдек, ижтимоий аптека, гинекология, физиотерапия, эмлаш, стерилизация, муолажа хонаси, лаборатория, 2 та кундузги стационар хоналарида турли хасталикларни эрта аниқлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилган. Зарур тиббий асбоб-анжомлар, жиҳозлар билан таъминланган. Қолаверса, шифокорларнинг самарали фаолият юритиши, шунингдек, таширф буюрувчилар учун барча шароитлар мавжуд.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МИНБАР

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари, ҳар бир раисимиз уйма-уй юриб, хонадонларнинг газ, электр, кўмир билан таъминланганлик даражасини ўрганмоқда. Аниқланган камчиликлар жойида бартараф этиляпти.

ҲЕЧ БИР ИНСОН ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК



УЙМА-УЙ ЮРИБ, ОДАМЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚАМИЗ. ШУ КУНЛАРДА ТУМАНДА БИРОРТА ҲАМ ИДОРА ВА ТАШКИЛОТ ЖИМ ЎТИРГАНИ ЙЎҚ. ЖУМЛАДАН, МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ, ҲАР БИР РАИСИМИЗ УЙМА-УЙ ЮРИБ, ХОНАДОНЛАРНИНГ ГАЗ, ЭЛЕКТР, КЎМИР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНМОҚДА

Оқдарё тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, ўзларига асосий фаолият йўналишларини белгилаб олган. Бу Президентимиз кўп бор таъкидлаганидек, «маҳаллабай» ишлаш, имконияти чекланган шахсларнинг яшаш шароитларини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллалардаги ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириб бориш каби қатор соҳаларни қамраб олган.

Туманимизда «Темир дафтар»га киритилган 1 154 та оила бор. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар сони 2 500 нафарга етади. Бундан ташқари, «Ёшлар дафтари»да 1 500 нафардан зиёд йигит-қиз жой олган. Биз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларини вақтида ҳал этиш йўналишида иш олиб бораёмиз. Жумладан, 181 та нотинч оиланинг ҳар бирига нуроний отахону онахонларимиз бириктирилган. Улар мазкур оилалар билан суҳбатлашиб,

муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишади.

МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ИШ САМАРАДОРЛИГИ КАФОЛАТИДИР

Жорий йил туманимизда қатор янги маҳалла идоралари қуриб фойдаланишга топширилди. Масалан, «Ўзбекистон», «Галаравот», «Пичоқчи», «Тараққиёт» ва «Чорбоғ» маҳаллалари шулар жумласига ки-ради. 7 та маҳалла фуқаролар йиғини, хусусан, «Янгиобод», «Кумушкент», «Олчинтепа»,

Амир Темур ва Авазали номидаги йиғинлар биноларини жорий таъмирлаш учун 1 млрд. 140 млн. сўм маблағ ажратилиб, таъмир ишлари якунланиш арафасида.

Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, тумандаги 35 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 33 таси ўз биноларига эга бўлди. Ҳозирги кунда туманимизда 2 та маҳалла ўз биносига эга бўлмагани инobatга олиниб, 3-сектордаги «Янгиқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини учун эски 5-мактаб биносини олиш бўйича Халқ таълими вазирлигига хат юборилган 4-сектордаги «Истиқлол» маҳалласи учун эса ҳудуддаги бўш турган бино ажратилди.

Ҳозирги кунда замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, сўлим манзилга айланган «Нуронийлар маскани»да кексалар ва ёшлар учрашуви, отинойилар учрашувлари, «Уч авлод

учрашуви» каби тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Биз ҳар бир инсон эътибордан четда қолмаслиги керак, деган шиор билан иш юритамиз. Уйма-уй юриб, одамларнинг муаммолари билан қизиқамиз. Шу кунларда туманда бирорта ҳам идора ва ташкилот жим ўтиргани йўқ. Жумладан, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари, ҳар бир раисимиз уйма-уй юриб, хонадонларнинг газ, электр, кўмир билан таъминланганлик даражасини ўрганмоқда. Аниқланган камчиликлар жойида бартараф этиляпти. Ўтган кунлар давомида қатор муҳтож фуқароларимизга тежамкор печлар, кўмир, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди.

Қиш мавсумидан талофатларсиз чиқиш — бутун тизимимизнинг бош мақсадига айланган. Бу борада қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик

қилиб келямиз. Бизнинг-ча, барча бир ёқадан бош чиқариб иш олиб борса, мавсумни ҳеч бир қийинчиликсиз ўтказамиз. Келгуси йил эса йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш асосий масалага айланади.



Дилфуза МАМАДИЙЕВА,
Оқдарё тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ИЧИМЛИК СУВ ОЛИС МАҲАЛЛАЛАРГАЧА ЕТИБ БОРАДИ



Маълумотларга кўра, сўнгги беш йил ичида Бухоро вилояти аҳолисининг 75 фоиздан ортиғи оби-ҳаёт билан таъминланди. Айниқса, энг чекка ҳудудлардаги 15 мингдан ортиқ хонадонларга илк бор ичимлик суви кириб борди. Айни чоғда ҳам қатор янги лойиҳалар амалга ошириляпти.

Хусусан, Шофиркон туманининг энг олис 3 та маҳалласида қарийб 55 километр масофага қувурларни тортиш ишлари 70 фоизга бажарилди. Бу Шофиркон туманидаги 1300 га яқин хонадоннинг илк бор ичимлик суви билан таъминланиши имконини беради. Бошланган ташаббус натижасида «Читгаронда» 8,29 километр, «Додбоғни»да 22,6 километр, «Қуйи Чуқурак» йиғинида эса 23,87 километр масофага янги қувурлар тортилмоқда.

— Маҳалламиз туманнинг энг чекка ҳудудида жойлашган бўлиб, неча йиллардан буён фуқароларимизнинг армонига айланиб келган ичимлик суви масаласи жорий йилда Президентимиз ташаббуси билан ечим топди, — дейди Алишер Навоий номидаги маҳалла

фуқаролар йиғини раиси Шерали Муқимов. — 3 миллиард 800 миллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, 23 километрлик ичимлик сув тармоғи тортилмоқда. Давлатимиз раҳбарига маҳалла фуқаролари номидан миннатдорлик билдира-миз. Чунки фуқароларимизнинг азалий орзулари амалга ошди. Ушбу маҳалла аҳолиси ҳудудда кечаётган ислохотлардан мамнун. Биргина ичимлик сув эмас, балки барча коммунал соҳадаги муаммолар ижобий ҳал қилиниб, аҳолига қулай турмуш шароити яратилмоқда.

«Қуйи Чуқурак» маҳалласи Шофирконнинг энг чекка ҳудуди. Сув тақсимлаш иншоотигача бўлган масофа қарийб 25 километрга тенг. Аммо бу ҳудуд ҳам янги йилдан тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланади.

— Маҳалламиз туманнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланади, — дейди «Қуйи Чуқурак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жасурбек Насуллаев. — Авваллари аҳолига тоза ичимлик сув ташиб келинар эди. Мана ҳозирги кунда ишчи гуруҳ ўрганиши натижасида 2 миллиард 900 миллион сўм маблағ ажратилди. 23 километрлик сув қувури тортилмоқда. Ҳозирги кунда деярли 75-80 фоиз ишлар амалга оширилди. Янги йилдан «Қуйи Чуқурак» маҳалламизнинг барча хонадонлари тоза ичимлик сув билан таъминланади.

Маълумот учун, айни чоғда вилоятнинг шаҳар ва туманларида жами 19 та объектларда ичимлик сув ва оқова сув тармоқлари қурилиши белгиланган эди.

КЎЗГУ

Албатта, ютуқлар ўзимизники. Лекин фуқароларимиз давлатимиздан янада рози бўлишлари учун қўлимиздан келган барча ишларни амалга оширамиз. Бизда «бу сенинг ишинг экан» ёки «мени ишим бошқа» қабилида иш юритилмайди.



«ҲАМКОРЛИК ВА БИРДАМЛИК ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНГАН»

БИЗДА «БУ СЕНИНГ ИШИНГ ЭКАН» ЁКИ «МЕНИ ИШИМ БОШҚА» ҚАБИЛИДА ИШ ЮРИТИЛМАЙДИ. ҲАММАМИЗ БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА ИШИМИЗНИ ҲАЛОЛЛИК БИЛАН ВИЖДОНАН БАЖАРАМИЗ, ЮТУҒИМИЗ — БИРДАМЛИГИМИЗДА

Фаолиятимиз давомида турли инсонлар билан суҳбатлашамиз, мулоқот қиламиз. Уларнинг дардларини эшитамиз. Барчага бирдек кўмаклашишга ҳаракат қиламиз. Бу борада бошқа қатор органлар билан чуқур ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Йилнинг ўтган даврида бизга 138 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг ҳар бири қатъий назоратга олиниб, қонуний ечим топилишига эришилмоқда. Оилавий муаммолар, иш билан таъминлаш, ҳудудлардаги ижтимоий масалалар мурожаатлар асосида ҳал этилмоқда. Юқорида кўрсатилган мурожаатларнинг 97 таси, яъни 70 фоизи ижобий ҳал этилган бўлиб, 41 та мурожаатга тушунтириш ҳамда ҳуқуқий маълумот берилган.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ногиронлиги бўлган шахсларга берилган ёрдамларни таҳлил қиладиган бўлсак, ижтимоий дафтарлар ва реестрдаги ногиронлиги бўлган шахслар сони 145 нафарни ташкил этади. Шулардан барчасига психологик ва тиббий ёрдамлар берилган, 82 нафари ҳуқуқий ёрдам олган,

реабилитация воситалари бериш орқали 15 нафарига кўмак кўрсатилган, 12 нафарининг бандлиги таъминланган. Субсидия бериш орқали 4 нафар фуқарога ёрдам кўрсатилган. Қизилтепа туманидаги «Ишга марҳамат» мономарказида ўқитилганлар сони 35 нафарни ташкил этади. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларга ўзини ўзи банд қилиш учун зарур дастгоҳлар, жумладан, тикув машиналари, пайвандлаш дастгоҳлари ва бошқа анжомлар топширилмоқда.

Туманимизда ижарада яшовчи 4 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий, психологик, ҳуқуқий ҳамда моддий ёрдамлар кўрсатишга эришдик. Уларнинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, уларни уй-жой билан таъминлаш масаласида қатор ишлар олиб борилмоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойларини ногирон-

ларга мослаштириш, кириш жойларга пандуслар ўрнатиш, кўзи ожизларни мосламалар билан таъминлаш ва бошқа чора-тадбирлар жадал суръатларда бажарилмоқда. Йилнинг ўтган даврида 2 795 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойлари, яшаш масканлари шу каби ва бошқа мосламалар билан таъминланди. 1 896 нафарига моддий ёрдам кўрсатилган.

НУРОНИЙЛАР ФАХРИМИЗ ВА ЭЪЗОЗИМИЗДА

Туманимизда истиқомат қилаётган нуронийларни эъзозлаш, уларга ҳар томонлама қўлай шароитларни яратиш — бўлимимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида 5 нафар нуроний «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Бугунги кунга келиб, туманининг жами 51 нафар нуронийси санаторийларда соғломлаштирилди, шундан навбат асосида 34 нафар кекса авлод вакили Бешариқ тумани «Боғишамол» санаторийсида, 8 нафари Бухоро шаҳридаги «Ситораи Мохи Хоса» санаторийсида, 9 нафа-

ри Нуробод туманидаги «Абу Али ибн Сино» санаторийсида соғломлаштирилди.

Туманда «Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари», маҳаллаларда «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ва «Бувижонлар мактаби» жамоатчилиги тузилмалари ташкил этилди. 15 900 нафар нуронийлар иштирокида 1 060 мартаба «Саломатлик учун 5 минг қадам» пиёда юриш тадбирлари ўтказилди. 22 та жанжалли оилага, 12 нафар ичкиликка ружу қўйган шахсга 106 нафар фахрий бириктирилди. Кекса авлод вакиллари томонидан нотинч оилалар билан 100 марта мулоқот ўтказилди.

64 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерлар 119 млн. сўмлик реабилитация техник воситалари билан таъминланди, шундан 6 нафарига ногиронлик аравачалари, 25 нафарига эшитиш мосламалари, 15 нафарига ҳасса, 5 нафарига қўлтиқтаёк, 5 нафарига тирсакли қўлтиқтаёк, 6 нафар кўзи ожизларга ҳасса, 2 нафарига юриш мосламаси тақдим этилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларининг 64 нафари иштирокида суннат тўйлари ўтказилди.

МАҲАЛЛАМ ОБОД — ЮРТИМ ОБОД

Туманда «Обод маҳалла» дастурига киритилган «Бўлақработ», «Консурун» маҳаллаларида ишлар амалга оширилмоқда. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллаларда аҳоли хонадонларига ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари атрофларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиши ташкил этилди. 2022 йил октябрь-декабрь ойларида режага асосан, 200 мингдан зиёд кўчатлар ва қаламчалар ўтказилди.

Албатта, ютуқлар ўзимизники. Лекин фуқароларимиз давлатимиздан янада рози бўлишлари учун қўлимиздан келган барча ишларни амалга оширамиз. Бизда «бу сенинг ишинг экан» ёки «мени ишим бошқа» қабилида иш юритилмайди. Ҳаммамиз бир мақсад йўлида ишимизни ҳалоллик билан виждонан бажарамиз, ютуғимиз — бирдамлигимизда.

Умар РАҲМОНОВ,
Қизилтепа тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

13 ТА МАҲАЛЛАДА 13 ТА ИШЧИ ГУРУҲИ ИШЛАМОҚДА

Арнасой туманидаги маҳаллаларда жорий йил 4 та Давлат дастури доирасида жами 70,6 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлар амалга оширилди.



Жумладан, «Бўстон» маҳалласидаги 3,5 км. ички йўллар шағаллаштирилди, 0,5 км. асосий ичимлик сув тармоқлари тортилиб, 1,5 км. ички ирригация тармоқларига бетон ариқлар ётқизилди. Электр таъминоти таъмирлаш бўйича 1 км. масофадаги электр тармоғи реконструкция қилиниб, 1 та трансформатор, 30 дона темир бетон устунлари ўрнатилди. Шунингдек, томорқадан самарали фойдаланиш йўналишида 10 та иссиқхона барпо этилди. Туман марказидаги «Бобур»

маҳалласида эса соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш мақсадида «Street Workout» кўча спорт майдончалари қурилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастури асосида f.Ғулом номидаги маҳалла ҳудудида 3,5 км. ичимлик суви тармоғи, тунги ёриткичлар ўрнатилиб, шағал, асфальт, цемент-бетон қопламали йўллар барпо қилинди. Мазкур ҳудудда «Барака чевар» тикувчилик цехи иш фаолият бошлаши натижасида 100 нафардан ортиқ фуқаролар бандлиги таъминланди. «Олтин

водий» маҳалласида 1,5 гектар майдонни ўз ичига олган янги истироҳат боғи ташкил этилди.

Туманда уйма-уй юриш орқали аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича ишлар олиб борилиб, бугунги кунга қадар, 13 та маҳаллада 13 та ишчи гуруҳ томонидан 3 676 та хонадон, 19 та ижтимоий соҳа объектлари ўрганилди. Ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

ВАЗИЯТ

Ўзгалар парваришига муҳтож ва ёлғиз яшовчи, шароити оғир ва кам таъминланган кексаларнинг 2 нафарига ногиронлар аравачаси, 9 нафарига қўлтиқтаёқ, 38 нафарига ҳасса ва 3 нафарига эшитиш мосламалари, 4 нафарига электрон қон босимини ўлчаш учун мўлжалланган жиҳозлар берилди.

ХАЛҚ ХИЗМАТИ ФИДОКОРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

«ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ЯГОНА РЕЕСТРИ» АХБОРАТ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ АНИҚЛАНГАН 8 128 ТА ОИЛАГА 46 МЛРД. 960 МЛН. СЎМДАН ЗИЁД ВА 283 ТА ОИЛАГА 1 МЛРД. 414 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА МОДДИЙ ЁРДАМЛАР БЕРИЛДИ



Қўшработ тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими фаолияти, асосан, фуқаролар билан ишлаш, мурожаатларга ўз вақтида ижобий ечим топиш мақсадига йўналтирилган. Зеро, одамлар биздан рози бўлсагина, ишимизни самарали, деб айта оламиз. Бунда маҳалла фаолларининг иш шароитларини яхшилаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда туманимиздаги 45 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳаммаси ўз биносига эга. Кейинги пайтда маҳалла тизимида бошланган туб ислохотлар Қўшработ тумани маҳаллаларида ўз аксини топа бошлади. 2022 йил давомида биноси таъмирталаб 13 та маҳалла намунавий лойиҳалар бўйича янгидан қуриб битказилди. Ушбу маҳалла биноларида маҳалла раиси ва унинг ёрдамчилари иш фаолиятини олиб бориш учун барча шароитлар яратилган. Шу каби ишлар туманимизнинг «Хонназар», «Қўрғон», «Урганжи», «Янгиобод» каби йиғинларида олиб борилиб, янги йил арафасида бинолар фойдаланишга топширилади.

«ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ — АМАЛДА

Туманда 2022 йилда «Обод маҳалла» дастурига «Қийқим» ва «Дўстлик» маҳаллалари киритилган эди. Бугунги кунда лойиҳалаштириш ишлари амалга оширилиб, «Қийқим»да 1, 2 км. бетон йўл, 4,3 км. асфальт йўл, 8 км. шағал йўл ётқизилди. «Дўстлик» йиғинида 0,8 км. бетон йўл, 4,6 км. асфальт йўл, 5,57 км. шағал йўл ётқизилди. Маҳаллалардаги эски симёғочлар ўрнига 198 та темир бетон таянч устунлар ўрнатилмоқда. 2023 йилда «Обод маҳалла» дастурига киритиш учун «Шована» ва «Майинтепа» маҳаллалари таклифи берилди.

Албатта, халқ манфаати йўлида амалга оширилган ишларни битта мақолада санашимизнинг имкони йўқ. Шунга қарамай, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари маҳаллалар ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатини давом эттиради.

Машҳура ШАМСИЕВА,
Қўшработ тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

Тумандаги 45 маҳаллада «Яшил макон» умуммиллий дастури асосида 90 минг дона терак қаламчалари ва 135 минг түп түрли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилиши амалга оширилди. Айтиш жоизки, маҳаллаларга дарахтларни парвариш қилиш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишчилари масъул этиб белгиланган.


МОДДИЙ ЁРДАМ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслр ҳамда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Туманимизда бу масала масъул ташкилотлар, жумладан, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг назорати остида амалга оширилмоқда. Хусусан, 677 нафар кам таъминланган шахсга 2 млрд. 824 млн. 162 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилгани бунга яққол мисол бўлади. Улардан 68 нафарига тиббий ёрдам, 6 нафарига психологик ва 9 нафарига ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилди.

2022 йил 26 майдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, «Темир дафтар»да турган ва кам таъминланган 450 та оилага 100 кг.дан жами 45 тонна ун маҳсулоти тарқатилди. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқланган 8 128 та оилага 46 млрд. 960 млн. сўмдан зиёд ва 283 та оилага 1 млрд. 414 млн. сўм миқдорида моддий ёрдамлар берилди.

Бундан ташқари, ўзгалар парваришига муҳтож ва ёлғиз яшовчи, шароити оғир ва кам таъминланган кексаларнинг 2 нафарига ногиронлар аравачаси, 9 нафарига қўлтиқтаёқ, 38 нафарига ҳасса ва 3 нафарига эшитиш мосламалари, 4 нафарига электрон қон босимини ўлчаш учун мўлжалланган жиҳозлар берилди.

ХУҚУҚ



Халқимизда «Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи» деган пурҳикмат ибора бор. Бу ақлу ҳуши жойида бўлган, янглишиб қандайдир хатога ёки қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган инсон бир мартадаёқ қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олиши, аксинча, ҳар қанча жиноят ёхуд ҳуқуқбузарликка қўл уриб, қонуний жазога тортилган айрим кимсаларнинг кўзи очилмаслигига ишорадир.

Бухоролик Тоштемир Раупов (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермаган, жинойий жавобгарликка тортилса-да, қалтис қадам ташлашдан тийилмаган ҳамюртларимиздан биридир. Пойтахтдаги олийгоҳлардан бирини битирган. Оилали, уч нафар фарзанди бор. Касби бўйича ёлчителиб ишламади. Жиноят қилиб, уч марта судланди. Жазо ҳам олган. Энг ачинарлиси, у сўнгги 12 йил мобайнида фирибгарликни ўзига касб қилиб олди. Бу гал эса Тоштемир ҳам фирибгар, ҳам товламачи сифатида темир панжара ортига равона бўлди.

Гап шундаки, 2020 йилнинг ноябрь ойида Т.Раупов Равшанбек Ғуломов орқали «Planetastro» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Рашид Юлдашевни алдайди. Яъни аввалага ваъдани қуюқ қилиб, аукцион савдосига чиқарилган, Юнусобод туманининг Осиё кўчасида жойлашган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансидаги 7,2 гектар бўш ер майдони олиб беришини айтади. Кейин ўзининг хизмат ҳақи сифатида аукцион нархи – 5 миллион АҚШ долларининг 5 фоизини талаб қилади. Шунинг ҳисобига Р.Юлдашевдан Равшанбек орқали 250 минг АҚШ долларини (2 миллиард 67 миллион 809 минг сўм) дастлабки тўлов сифатида олади. Лекин берган ваъдасини бажармай, харидорни ҳув туширади.

Шу тариқа орадан 6 ой ўтади. Гарчи алданган бўлса-да, Рашид ака ўтган вақт мобайнида бирор кимга арзу дод мобайнида бирор кимга «қаҳрамон»имиз эса андишанинг отини қўрқоқ қўйиб, бошқа бир жиноятга қўл уради. Аниқроғи, товламачиликка. Аён бўлишича, 2021 йилнинг май ойида Т.Раупов масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Iraq yo’li-Turizm Invest» қўшма корхонаси таъсисчиси – Туркия Республикаси фуқароси Довут Азми Эрбаш ва яна бир туркиялик тадбиркор Мустафо Юзбаш ўртасида пойтахтимиздаги «WYNDHAM» меҳмонхонасининг акцияларига эгалик қилиш борасида тортишув ҳамда келишмовчилик келиб чиққани, қолаверса, айна масала фуқаролик ва иқтисодий судларда кўрилганидан хабар топади.

Бинобарин, у Мустафо Юзбашнинг вакили сифатида ҳаракат қилиб, Д.А.Эрбашнинг олдига боради. Сухбат асносида Тоштемир меҳмонхонанинг 39 фоиз акцияларига республикамизнинг нуфузли мансабдорларидан бири қизиқаётгани, Мустафо Юзбаш Довут Азми Эрбашга нисбатан прокуратура органларига мурожаат қилгани хабарини беради.

Сўнгра қўшма корхонанинг сир сақланиши лозим бўлган банк маълумотларини ошкор қилиш, мазкур маълумотлар бўйича прокуратура унинг корхонаси ва ишчиларига жиноят иши қўзғатиб, жинойий жавобгарликка тортишини айтиб, қўрқитади. Энг муҳими, қўлидаги маълумотларни ошкор қилмаслик ва тўпланган унга тааллуқли барча ҳужжатларни Мустафо Юзбаш билан гаплашиб, йўқотиб юбориши эвазига 4 миллион АҚШ долларини талаб қилади.

Аммо, чет эллик тадбиркор ҳам анойилардан эмас экан. У ҳуқуқ идораларига бўлаётган воқеаларни етказди. Пировардида Т.Рауповнинг кирдикорлари фош этилиб, юқоридаги ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилади. Шундан кейин айна иш жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судида кўриб чиқилди.

Судланувчи Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди ва 165-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбдор деб топилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этилди. Шунингдек, суд ҳукмида Тоштемир Рауповдан Рашид Юлдашев фойдасига 250 минг АҚШ долларининг миллий валютамиздаги қиймати – 2 миллиард 709 миллион 975 минг сўм миқдоридаги зарарни ундириш ҳам белгиланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Т.Раупов муқаддам 3 маротаба судланганда ҳам қилмишидан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик берилишини сўрагани шубҳасиз. Лекин, афсуски, унинг сўқир кўзи очилмади, қилмишининг аянчли оқибатини ҳис қилмади.

Баҳромжон БЕРДИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг судьяси.

ОГОҲЛИК

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вакиллари фотокўргазмани тайёрлашда ҳар бир томошабин намоиш этилаётган асарнинг бир қарашдаёқ мазмунини англаб олиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки расм мазмуни тушунарли бўлса, унинг таъсирчанлиги ортиб бораверади.



ЭШИТГАНДАН КЎРГАННИНГ ТАЪСИРИ УСТУН БЎЛАДИ

ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРДАГИ ҲАР БИР ИҚТИБОС ВА ФОТОСУРАТ БИР-БИРИГА МОС ТАНЛАНСА,
УНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ЯНАДА ОРТАДИ, МАЪНОЛИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ САМАРАЛИ БЎЛАДИ,
ИНСОН РУҲИЯТИ, ҚАЛБИДА ҲАМИША ЭЗГУЛИКЛАРНИ УЙҒОТАДИ

«Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми? Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз».

Бу — Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида келтирилган фикрлардан парча. Қайд этилганидек, бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур. Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қилинади.

Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг турли жойларида рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда, Имом Бухорий ҳазратларининг «Илмдан бошқа нажот йўқ, бўлмайдиган ҳам» деган таъкидлари айни ҳақиқатдир.

«ЭШИТГАНДАН КЎРА, КЎРГАННИНГ ТАЪСИРИ МИНГ КАРРА УСТУН»

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳам, мана, чорак асрдирки, Мустақиллигимизнинг қадр-қиммати ва аҳамияти, «Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари»

тамоийилининг юксак самаралари, демократик ислохотлар, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкуранинг халқ тафаккурида шаклланаётгани, Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ҳамюртларимиз онгида, руҳияти ва қалбида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, замонамиз қаҳрамонлари сиймосини тасвирий тарғибот воситалари орқали кенг жамоатчиликка тарғиб этиб келмоқда.

Тасвирий тарғибот ишлари аҳоли гавжум жойларда — хиёбонлар, кўчалар, бозорлар, таълим-тарбия муассасаларида ўрнатилган баннер, LED экранлар орқали, шунингдек, байрам ва тадбирларни безаш ёрдамида амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг «Эшитгандан кўра, кўрганнинг таъсири минг карра устун», деган ҳикматли ибораси тасвирий-маънавий тарбияда алоҳида ўрин тутди. Шу боис бу ишларда доимо изланиш, ижод, масъулият ва меҳнат талаб қилинади. Баннерлардаги ҳар бир иқтибос ва фотосурат бир-бирига мос танланса, унинг таъсирчанлиги янада ортади, маъноси ва тарбиявий аҳамияти самарали бўлади. Зеро, инсоний фазилатлар мадҳ этилган тасвирий воситалар инсон руҳияти, қалбида ҳамиша эзгуликларни уйғотади.

Тасвирий тарғиботдаги тасвир ва матнлар аҳолини, айниқса, ёшларни комил инсон бўлишга, адолатпарварлик

ва ҳалолликка даъват этади. Ватанпарварлик, дўстлик, бирдамлик, меҳр-муҳаббат ва фидойилик фазилатларини улуғлайди. Она Ватанни мардона кўриқлаб, керак бўлса, жонини ҳам аямасдан курашининг муқаддас ва шарафли бурч эканини англатади. Яхши ва ёмонни, дўст билан душманни ажрата биланшга қақиради ва ўргатади.

Бу каби мақсадларга мос равишда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 январдаги 4-сонли йиғилиш баёни асосида «Республика бўйича ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар» бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Ҳужжат билан «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасига ҳамкор ташкилотлар — Дин ишлари бўйича қўмита, Бадиий академия, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда кўча фотокўргазмалар ташкил этиш вазифаси юклатилди.

ФОТОКЎРGAЗМАЛАР БАРЧА ҲУДУДЛАРНИ КАМРАБ ОЛДИ

Айтиш керакки, «Огоҳлик, хушёрлик — давр талаби», «Экстремизм, терроризм ва миссионерлик — даҳшатли офат», «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик» мавзуларидаги кўргазмалардан мақсад — ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, халқимиз ва, айниқса, ёшларнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашиши, шукроналик келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб этишдан иборат.

Фотокўргазмага тавсия этилган 120 дан зиёд фотосуратлар Дин ишлари бўйича қў-

мита мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан кўриб чиқилди. Улар орасидан экстремизм, терроризм ва миссионерликнинг асл қиёфасини фош этувчи 40 та плакат ҳамда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мавзусидаги 20 та плакат танлаб олиниб, жойларда ўтказилган фотокўргазмаларда кенг намоиш этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида, шунингдек, 196 та туман ва шаҳарда ташкил этилган кўргазмаларга 24 минг нафарга яқин аҳоли вакиллари қамраб олинди.

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вакиллари фотокўргазмани тайёрлашда ҳар бир томошабин намоиш этилаётган асарнинг бир қарашдаёқ мазмунини англаб олиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки расм мазмуни тушунарли бўлса, унинг таъсирчанлиги ортиб бораверади. Фотосуратларда террор ва уруш бўлаётган мамлакатлардаги аянчли ҳолатлар билан юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт таққосла-

нади, тасвирлар сўзга қиради.

Бу расмлар ҳар биримизни Ўзбекистондаги осойишталик, бахтли, фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, шукроналик келтиришга, нотинч давлатлардаги каби кулфатларга асло йўл қўймасликка ундайди. Диний экстремизмнинг жирканч ўрига илинганларнинг аҳволи, терроризм қурбонларининг ҳолати, қўпурувчилик оқибатидаги вайроналар тасвирланган кадрлар барчамизни огоҳликка чорлайди. Фотокўргазмани диққат билан кузатган фуқаро тинчлик бор юртда боғлар гуллаши, тўю тантаналар авжига чиқиши, тинчлик бор жойда тараққиёт, терроризм бор жойда кулфат, талофат борлигига ишонч ҳосил қилади.

Айни йўналишдаги ишларимиз мактаб, институт ва университетларда ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, олий таълим муассасаларида ўтказилаётган тарғибот тадбирларида 60 зиёд фотосуратлар билан бирга, ёт ғояларга алданганлар қисмати ҳақидаги видеоролик ва ҳужжатли фильмлар намоиш қилиняпти.

Умуман олганда, ҳар қандай тасвирий-тарғибот воситасидаги ижтимоий рекламаларнинг мафкураси одамларни муайян ғояга ишонтириш, халқни уюштириш, ютуқларга сафарбар этиш, маънавий-руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш ҳамда ёт унсурларга қарши иммунитет ҳосил қилиш каби мақсадларни ифода этиши лозим. Кайфиятга ижобий таъсир этадиган, дини равшан тортириб, орзуларга қанот бўладиган тасвирий воситалар яратилишини шиддатли даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Интернет, замонавий ахборот-коммуникация воситаларининг жадал ривожланиб бораётгани, биз, тасвирий тарғиботчиларни янада фаоллаштиришга, халқимиз ва, айниқса, ёш авлоднинг орзу-интилишларига ҳамоҳанг тарзда фаолият юритишга ундайди. Шундай экан, миллатнинг орзу-мақсадларини реклама ҳамда ташқи тарғибот воситаларида яққол кўришимиз ва тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур.

Исфандиёр ЛАТИПОВ,
«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Бошқарув раиси.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Улчами — А3, 4 босма табоқ.
7 825 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1218
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.